# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

35 (929) сон
20 август — 26 август 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz




3

## НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ШАРТМИ?

## БОЛАЛАРНИ СЕВИШ УЧУН...



4



13

## БОЗОР БАҲОНА БЎЛМАСИН



16

## АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ


Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири


## ТОШКЕНТ

*Офтоб туғилади сенинг қароғингда*
*Тошкент, оқшоминг-да фусункор.*
*Ҳар бир кўчанг,*
*Ҳар бир япроғингда*
*Қодирийнинг ўйчан руҳи бор.*

*Меҳмондўст деб кимлар таъриф қилмаган,*
*Ҳамма мақтовларнинг ўзинг адоғисан.*
*Тошкент, сен миннатни билмаган устоз,*
*Ойбек нигоҳисан,*
*Ойбек қучоғисан.*

*Анҳор бўйларида қумрилар ўйнар,*
*Шоир Ғафур Ғулом билган қумрилар.*
*Икки минг йил аввал Сағбонни излаб,*
*Ҳиндистонни ташлаб келган қумрилар...*

*Тошкент,*
*Она шаҳар,*
*Беҳад, бепоён —*
*Ўзбекистондаги энг баланд терак.*
*Аниқ таърифингни қилмоққа баён*
*Улкан юрак керак,*
*Улкан-ан юрак керак!*

*Сенинг кўзларингга термулиб юриб*
*Қўшиқлар сўрайман — мен ҳам бир ўғлинг.*
*Тошкент,*
*Эй, миннатни билмаган устоз,*
*Бир умр тушмасин елкамдан қўлинг.*





## КЕЧА:

➔ Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва халқимиз номига дунёнинг қатор нуфузли ташкилотлари ҳамда давлатлари раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

➔ Ўтган йилги Пекин Олимпиадаси иштирокчиси, юртдошимиз Вадим Меньков куни кеча Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 1000 метрга каноэда эшкак эшиш беллашувларида ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

## БУГУН:

➔ Юртбошимиз ташаббуси билан қадим Самарқанд шаҳрининг бетакрор Регистон саҳнида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига энг сўнгги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етаётир.

➔ Шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг Арманистонда бўлиб ўтаётган бешинчи босқичида муваффақиятли қатнашаётган собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов саккиз турдан сўнг пешқадамлар сафига чиқиб олди.

## ЭРТАГА:

➔ 2007 йилнинг 24 августи... "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" янги темир йўли ишга туширилган кун сифатида тарих зарварақларига битилди. Айни пайтда бу манзилда бунёдкорлик ишлари давом этаётир.

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Нечта фарзанд кўрсангиз майли, лекин... 2
Табиатнинг энг ноёб мўъжизаси она сути экан 5
«Талқон ютган» эрлар қаердан пайдо бўляпти? 6
Ўз иффорини излаётган аёллар 7
Теледастурлар 8–10
Пора олаётганда қўлга тушган шифокор 11
Гиёҳвандни тузатса бўладими ёки дардини «дастурхон» қилган она 12
Қиз ўстирган айбдорми? 14
Онасини кечирган фарзанд 15


## "ОБУНА — 2010"

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми? "Оила ва жамият"ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" хонадонингизга беминнат ("сотиб олиб ўқирман" деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга 176, Ташкилотларга 177

«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА»

***Жорий йилнинг 1 июлида Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур муҳим ҳужжатнинг ижроси қатор мутасадди ташкилотлар ва жамоатчилик орасида биз аёллар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки барчамиз қай бир соҳада фаолият юритмайлик, ҳатто, оддий уй бекаси бўлсакда, онамиз. Оилада соғлом муҳитнинг барқарор бўлиши, қолаверса, фарзандлар келажаги учун ҳам асосан, оналар масъул эканлиги сир эмас.***

# НЕЧТА ФАРЗАНД КЎРГАН МАЪҚУЛ?

**Шоҳистахон УМАРОВА, Поп тумани Чиғаноқ маҳалласидан:**

— Юртбошимизнинг ушбу қарорларида кўзда тутилган мақсад ниҳоятда эзгу. Истардимки, бунинг моҳиятини ҳар бир аёл, ҳар бир бўлажак она англаб етсин. Мен 29 ёшдаман. Икки нафар фарзандим бор. Тўнғичим бир ёшга кирганида иккинчисига оғироёқ бўлдим. Уларнинг орасидаги фарқ атиги икки ёш. Шунинг учун уларни катта қилишда жуда қийналдим. Саломатлигим ҳам айтарли даражада яхши бўлмаган.



Халқимизда «Бошидан ўтган табиб» деган нақл бор. Ёш келинларга ўз соғликларига эътиборли бўлишларини, она бўлиш учун ҳам тайёргарлик зарурлигини, қисқа вақтларда кетма-кет фарзанд кўриш она учун ҳам, бола учун ҳам хавфли эканини айтмоқчиман.

**Гулсорахон ШОРАҲИМОВА, Чуст тумани Оғасарой маҳалласидан:**

— Мен икки ўғил, икки қизни вояга етказдим. Биз ҳомиладор бўлган, фарзанд кўрган пайтларда давлат томонидан бугунгидай имкониятлар берилмаган. Биров «сен соғ бўлсанг, боланг ҳам соғлом бўлади» демаган. Эмизикли болани ташлаб, далага чиққанмиз.

Бугун-чи? Келинларимизга ҳавасимиз келади. Уларнинг эсон-омон кўз ёриши, соғлом бола кўриши учун ҳукуматимиз томонидан жуда катта ғамхўрликлар қилиняпти. Бу каби меҳрибончиликлар замиридаги мақсадни ҳар бир бўлажак она тушуниб етишида биз қайноналарнинг ҳам ҳиссамиз бўлиши керак, албатта. Чунки соғлом келин ўғлимизнинг бахти, соғлом набира бизнинг наслимиз давомчиси-ку!

Кенжа келиним Роҳила 21 ёшда. Икки ёшли қизчаси бор. Мен уй бекаси бўлсам-да, турмуш ўртоғим кўп йиллар тиббиёт соҳасида ишлаган. Иккимиз ҳам таъкидлаймиз: қиз набирамиз тўрт-беш ёш бўлиб, ўзини эплай оладиган бўлгандан сўнггина, худо насиб қилса, яна бир фарзанд кўришлари мумкин. Тўрт-беш болани касалманд, нимжон қилиб ўстиргандан кўра, икки нафар фарзандни соғлом улғайтирган яхши эмасми?! Болага эътиборли бўлсангизгина, эртага унинг камолини кўрасиз. Акс ҳолда машаққатлардан бошингиз чиқмайди.

**Дилафрўз ОРИПОВА, Поп туманидаги Найман маҳалла фуқаролар йиғинидан:**

— Биз оилада тўрт нафар эдик. Ота-онам кетма-кет дунёга келган биз фарзандларни вояга етказиб, ўқитиб, уйли-жойли бўлишимиз учун озмунча меҳнат қилмадилар. Ҳаммамиз олий маълумотлимиз. Бунгача айниқса, онамнинг қийналганлари доим кўз ўнгимда туради.

Ёшим 25 да. Икки ёшли ўғлим бор. Ўзим қишлоғимиздаги 5-мактабда география фанидан дарс бераман. Турмуш ўртоғим ҳисобчи. Топганимиз оиламиз иқтисодини тўла қоплайди. Шундай бўлса-да, биз икки нафар фарзанд билан чегараланишни афзал кўрдик. Нега дейсизми? Икки фарзандни соғлом, ўқимишли, маънавиятли одам қилиб улғайтириш ҳам осон эмас. Бунинг учун ота-онадан кўп нарса талаб этилади.

**Одинахон МАТВАЛИЕВА, Поп туманидаги Кенагас қишлоғидан:**

— Беш нафар фарзандим бор. Уларнинг кенжаси ногирон, аравачада юради. Йигирмага тўлаётган бўлса-да, ўзи юролмайди, мустақил ҳаракат қилолмайди. Бу менинг болаларимга ҳомиладорлик вақтимда даволанмаганим, ўзимни эҳтиёт қилмаганим, витаминга бой овқатлар истеъмол қилмаганим оқибати эканлигини кеч англаб етдим. Устигаустак кенжа ўғлим йўлда туғилган, зарур тиббий хизмат кўрсатилмагани сабабли у бир умрга ногирон бўлиб қолди. Сингилларимга ҳар доим айтаман, ўзингизни ўйланг, сиз соғ бўлсангизгина, болангиз соғлом туғилади. Бунга менинг бошимдан ўтаётган қийинчиликлар яққол далил.

**Маҳмудахон ЖАЛОЛОВА, Поп туманидаги Найман ҚВП акушер-гинекологи:**

— Шуниси қувонарлики, аёлларимиз тобора соғлом онадан соғлом бола туғилишини тушуниб етишяпти. Лекин бу етарли эмас. Масалан, пунктимизда 61 нафар ҳомиладорлар рўйхатга олинган бўлса, уларнинг барчасида биринчи ва иккинчи даражадаги камқонлик кузатилади. Шу жумладан, буқоқ, ревматизм, буйрак хасталиклари ҳам учраб турибди. Бу аёлларнинг ўзига эътиборсизлиги оқибати.

Президентимизнинг юқоридаги қарорлари соғлом авлод туғилишига эришишдек буюк мақсадларнинг рўёбга чиқишида катта одим бўлиши, шубҳасиз. Бу борада ҳар биримиздан ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз талаб этилади.

**«Оила ва жамият» мухбири Шаҳло ТОШБЕКОВА ёзиб олди.**




## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиалида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан ОАВ ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Н.Туреева, Республика Репродуктив саломатлик маркази раҳбари Д.Хасанова, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари М.Маҳкамбоева ва мазкур филиал директори Эльвира Маракаевалар сўзга чиқди.

Мутахассислар соғлом фарзанднинг дунёга келишида тиббий кўрикнинг аҳамияти, ҳомиладор аёл қатъий гигиена қоидаларига, тўғри овқатланиш ва дам олиш тартибларига риоя қилмаса, аёллар маслаҳатхонасига мунтазам қатнаб, шифокор кўрсатмаларини бажармаса, турли касалликлар, хусусан, камқонлик, боланинг тўғри ривожланмаслиги, муддатдан илгари туғилиш каби ҳолатлар келиб чиқиши мумкинлигини, бундан ташқари туғруқлар орасидаги муддатнинг уч йилдан кам бўлмаслиги ҳақида аҳолига керакли маслаҳатлар беришди.

**Мухлиса МУҲИТДИНОВА**

## БЕПУЛ КУРСЛАР

Шаҳрисабз туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши, Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ўтказилган бу галги меҳнат ярмаркасига маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истиқомат қилаётган ногиронлар таклиф қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури «ногиронларни ҳаётий фаолият муҳитига кира олиш, иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фуқароликни англаш» лойиҳаси бўйича ўтказилган меҳнат бозорида 57 та ташкилот ва муассаса 245 та бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Лойиҳа раҳбари Яна Евгеньевна Чичеринанинг таъкидлашича, ногиронларга иш берувчи ташкилот раҳбарлари билан лойиҳанинг мақсад ва вазифалари хусусида икки кунлик семинар-тренингда тушунтириш олиб борилган бўлса, бевосита ярмарка давомида 150 нафарга яқин ногиронлар рўйхатга олинди. Эндиги вазифа туман ҳокимлиги кўмагида уларни иш билан таъминлашдан иборат.

Ушбу ярмарка орқали 40 нафар ногиронга «Дилором» тикувчилик корхонаси, Геология қидирув экспедицияси, Агросаноат коллежи, «Феруз» ишлаб чиқариш савдо фирмаси сингари ташкилотларга йўлланмалар берилди.

— Меҳнат бозорида ҳаракатланиши, кўриши ва эшитиш қобилияти чекланган кўплаб ногиронларга турли йўналишлар бўйича йўлланмалар берилди ва улар учун бепул ўқув курслари ташкил этилди, — дейди туман Бандликка кўмаклашувчи марказ директори Абдуқаҳҳор Темиров.

**Шавкат СУЛТОНОВ, «Оила ва жамият» мухбири.**

***Пойтахтимизнинг миллий боғ ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносида***

**“ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН…”**

деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудлараро кўргазма-савдога марҳамат!

Муҳтарам юртдошлар, мўъжизакор қўллар яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлинг!

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

# ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

*Тошкент — 2200*

Ўзбекистон давлат тарихи музейида Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, «Тошкент илм-маърифат ўчоғи» мавзуида илмий-маърифий анжуман ўтказилди. Унда таниқли тарихчи олималар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова ўзининг бугунги ўзбек аёлининг жамиятда тутган ўрни ва иштирокига бағишланган маърузаси билан очиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар ва бунга жавобан уларнинг жамият, қолаверса, Тошкент шаҳрининг гуллаб-яшнашида аёлларимизнинг ҳам ўрни беқиёс эканлигини қайд этиб ўтди.

Айниқса, Ўзбекистон тарихи музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Жаннатхон Исмоилова томонидан намойиш этилган, музейда сақланаётган Тошкент тарихига оид суратлавҳалар видеоролиги кўпчиликнинг кўз ўнгида ўтмишни жонлантирди. Қатнашчилар ушбу видеоролик орқали 1901 йилда қурилган баъзи биноларнинг аввалги номланиши, қандай кўринишда бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар. Бугунги кунда ушбу бинолар қайта таъмирланиб, пойтахт ўтмишидан ҳикоя қилувчи тарихий обидаларга айлантирилди.

Анжуман қатнашчилари ўзининг 2200 йиллик қутлуғ тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган азим шаҳарнинг тарихига оид янги маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз**

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ

# БИРИГА ҚОШ, БИРИГА КЎЗ

— Гурунгимизни уйида ўтириб ҳам одамларга, ҳам жамиятга фойдаси тегаётган аёллардан бошламоқчиман, — дейди **Андижон тумани Хортум қишлоқ фуқаролар йиғини Исломобод маҳалласи маслаҳатчиси Қурбоной опа Йўлдошева.** — Ҳозир маҳалламизда касаначилик билан шуғулланаётган аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг иш вақти чегараланмаган. Уй юмушларидан холи бўлгач, бемалол ишлашлари мумкин.

Қурбоной опа уйда ўтириб нафақат оналигу, бекаликни уддалаб, ўз хонадони, маҳалласига фойда келтираётган, балки ўз меҳнати орқасидан кўпчиликка манфаати тегаётган аёллар ҳақида фахрланиб сўзлайди. Чунки 3876 нафар аҳоли яшайдиган бу қишлоқ опанинг катта бир хонадонига ўхшайди. Шу боис ҳар бир оиладаги фаровонлик, хотиржамликни кўрсагина унда ҳаловат бўлади. Катта-кичик йиғинларда ҳам маҳалласи ҳақида гап кетса дадил гапиради.

Насибахон Йўлдошевани ишбилармон аёл сифатида туманда эмас, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди. У уйида бўз матога гул босишга мўлжалланган мўъжазгина цех очган. Бу ерда аёллар учун ранго-ранг дурралар ишлаб чиқарилади. 50 та ишчи ўрни яратилган. «Ташаббус-2006» кўрик-танловида қатнашган Насибахон вилоятда ҳам биринчи ўринни эгаллаган.

Шунингдек, бу ерда уста-шогирд йўналиши бўйича иш ташкил қилган аёллардан Дилрабохон Қурбонова, Гулчеҳра Каримова, Хосиятхон Қорабоева, Иқболой Нуриддиновалар 20 дан зиёд шогирдлари чеварчилик билан бир қаторда дўппи жиягини тўқийдилар.

Исломобод маҳалласининг бошқа аёллари тиниб-тинчимайди. Изланади, топади, меҳнати самарасидан қувонади…

Масалан, Ҳилолахон Ғаниева маккажўхори қаламчаларини тайёрлайдиган цех очиб, бу ишга оила аъзоларини, сўнгра маҳалладаги ўсмир қизларни жалб қилди.

Солияхон Исабоева эса якка тартибдаги тикувчи эди. У ҳам ҳунарини ёшларга ўргатиш мақсадида уйида 6 нафар қизга чеварлик сир-асрорларини ўргатмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудида фаолият олиб бораётган «Завроқ» ишлаб чиқариш фирмаси уйда ўтирган аёлларни мавсумий иш билан таъминламоқда.

Ўзбек халқи учун касаначилик фаолияти энди пайдо бўлгани йўқ. Ҳатто касб-ҳунар орқали тирикчилик қилиш таъқиқланганда ҳам миллий ҳунармандчилик намуналари уй шароитида тайёрланиб, бозорга чиқарилган. Бу каби ишларга асосан, барча хонадонларнинг оила аъзолари жалб қилинганлиги туфайли ҳар бир ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб келяпти.

Айниқса, кейинги пайтда қишлоқда устоз-шогирд йўналишида қатор лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани ишсиз ёшлар сони камайишига ёрдам бераяпти.

Ҳа, Қурбоной опанинг 976 та оилани бирлаштиришдек масъулиятли ишига ҳамиша маҳалла фаоллари елкадош. Маҳбубахон Исмоилова, Обиджон Аҳмедов, Майрамхон Абдуллаева, Насибахон Ўринбоева, Ҳабибахон Исроиловаларнинг кўмаги билан турли хил маросимлар ихчамлаштирилди. Маҳалланинг энг фаол, жонкуяр ва кўпни кўрган фуқароларидан иборат 9 кишидан ташкил топган махсус комиссияси иштирокида тўйлар назорат қилиняпти. Никоҳдан ўтаётган ёшлар билан суҳбатлар ўтказилгандан кейингина, уларга тиббий кўрикка рухсат берилмоқда.

Қайнона-келин муносабатлари мавзуида маҳаллада«Қайнонам — онам менинг», «Келин одоби», «Оила — жамият таянчи» сингари тадбирлар, турли хил давра суҳбатларининг ўтказиб турилиши оилалар тотувлигини таъминлашга ёрдам беряпти. «Энг ибратли хонадон», «Намунали кўча» каби кўрик-танловлар эса маҳаллалар ободонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий байрамларда маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, яккаёлгизлар ҳолидан хабар олиш сингари удумларимиз ҳам саховатпеша инсонлар, ҳомийлар томонидан амалга оширилади.

Бу ишларнинг бошида маҳалла сардорлари, фаоллари, маслаҳатчилари туради. Баҳамжиҳат эл-юрт ишига камарбаста бўлаётган Қурбоной опа сингари фидойи инсонлар меҳнати ҳамиша эл назарида.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири,**
**Андижон вилояти.**

*Илм иста, ҳунар ўрган*

# КАТТА АКАДЕМИЯНИНГ КИЧИК АЪЗОСИ



***«Ҳар куни дунёга донги кетган қадим шаҳримизга дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳларнинг тарихий обидаларимизни шу қадар ҳайратланиб, завқ билан томоша қилаётганликларини кўриб, фахрланиб кетаман. Айниқса, хорижликларнинг бу кўҳна ёдгорликлар пештоқидаги ёзувларга узоқ тикилиб қолишлари мени ҳайратга солади. Бу битикларни мен ҳам ўқишни истайман…»***

Нафисанинг ҳаяжон ила айтган бу сўзларини эшитган онаси, техника фанлари номзоди, Хоразм Маъмун Академияси илмий ходими Гавҳаржон Дурдиева жуда қувониб кетди:

— Ҳаттотлик ҳам илм, бу йўлдан борсанг кам бўлмайсан қизим, — деди у. Хуллас, ҳавас қизиқишга айланди.

Ҳозирги кунда Нафиса Заргарова Хива туманидаги 4-сон мактабнинг 8-синфида ўқиш билан бирга Хоразм Маъмун Академияси қошида иқтидорли ёшлар учун ташкил қилинган «кичик академия»нинг фаол аъзоларидан бири. Бу даргоҳнинг илмий ходимлари Аҳмаджон Мағфурий, Жасурбек Полвоновдан араб-форс тилларини, Нуриддин Жалоловдан эса ҳаттотлик сирларини кунт билан ўрганмоқда. Устозлари ёрдамида Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асаридан намуналар, Ичанқалъа музей — қўриқхонаси ҳудудидаги ёдгорликлар, хусусан Оллоқулихон мадрасаси пештоқидаги кошинларга битилган ҳаттотлик ёзувларини таржима қилмоқда.

— Моҳир ҳаттот бўлиш учун ҳарфларни расм шаклида ёзиш билан чегараланиб бўлмас экан, — дейди Нафиса. — Бунинг учун ёзувларни таҳрир қилиш санъатини ҳам мукаммал эгаллаш лозим. Менинг орзуим ҳаттотлик санъатини чуқур эгаллашдир.

**Абдулла САФОЕВ**

БАХТ ОСТОНАСИ

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ШАРТМИ?

…ФҲДЁ бўлимимизга қўлида бола кўтарган, ранглари заъфарон ёш бир жувон кириб келди. У қўшни қишлоқда яшовчи бир йигитга бундан икки йил илгари турмушга чиққан экан. Тиббий кўрикдан ўтмаслик учун «Никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани кейин оламиз» деган баҳона билан тўйни ўтказиб юборишган ва маҳалла мулласи томонидан шаръий никоҳ ўқилиб, яшаб келишган. Тўйдан кейин на қиз томон ва на йигит томон никоҳ гувоҳномасини олиш тўғрисида гап очган. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтаверган. Тўйларига бир йил тўлмай улар фарзандли бўлишган. Қарангки, болага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун ҳам никоҳ гувоҳномаси олмаган. Бу ёш оила учун, айниқса, она учун жуда катта хато эди. Чақалоқ бир ёшга кирмаёқ, аёлнинг феълатвори эрига ёқмай қолган. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қилаверганидан, қайнона ва қайнсингилларнинг уришишлари, сўкишишларидан безиб қолган ёш хотин қўлида боласи билан онасиникига кетиб қолади. Бу эрига, унинг онаси ва сингилларига жуда қўл келади. Аммо аёлнинг уйида ҳам ўзига яраша муаммолар бор эди. Қари отаона, уйланган икки ака оиласи ва фарзандлари билан тор уйда яшашарди. Бир ўғил фарзанди билан уйидан аразлаб келган жувонни эса ота-оналари очиқ юз билан қабул қилишмайди. Худди шундай боши берк кўчага кириб қолган бир маҳалда аёл бизга келиб мурожаат қилди.

Аёл ҳуқуқий жиҳатдан кўп нарсадан маҳрум эди. Биринчидан, никоҳланганлик тўғрисида гувоҳнома олмаганлиги, иккинчидан, эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаганлиги аёлга жуда катта қийинчилик туғдираётганди. Уларнинг можаросига биз ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам аралашди. Барибир аёлга жуда қийин бўлди. Эркак ҳатто ўз боласини ҳам тан олгиси келмасди. Болали аёл эридан яшаш учун уй ҳам, мол-мулк ҳам ундира олмади. Агар никоҳ гувоҳномаси билан никоҳ шартномаси бўлганида эди ўғил фарзанди бор онага уйининг тенг ярми, шартномада кўрсатилган мол-мулк берилган бўларди.

…Шу ўринда «Никоҳ шартномаси нима?» — деган савол туғилиши табиий. Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви Никоҳ шартномаси дейилади. Илгари амалда бўлган оила қонунчилигида эрхотинларнинг фақат қонуний (расмий) мулк тартиби маълум эди. Ҳозирги вақтда қонуний мулк тартибини сақлаб қолиш билан бирга мулкни шартномавий тартибига ҳам ўрин берилди. У «Никоҳ шартномаси» ёки «Никоҳ контракти» деб юритилади.



Бу қоиданинг қонунчиликка кириб келишининг сабаби бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Никоҳ шартномаси тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлиши мумкин. Шартноманинг мазмуни эр-хотиннинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топади. У эрхотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни суд амалиётида тўғри ҳал қилинишида ёрдам беради.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳужжатни тузиш ёки тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг ўзига тегишли. Агар никоҳ шартномасини тузмасалар, уларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари қонуний асосда белгиланган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Қонун билан белгиланган тартибга риоя қилмаслик бундай шартномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бундай талабларни белгилаш никоҳ шартномасининг эр-хотинга, шунингдек, учинчи шахсларга нисбатан ҳам алоҳида аҳамияти борлигини кўрсатади. Бу шартнома, қоида тариқасида, узоқ муддатгача амалда бўлади ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларнинг келажагини белгилайди. Шунинг учун бундай ҳуқуқларни аниқ ва қатъий белгилашда унга нотариал шакл бериш лозим бўлади.

Эр ва хотин шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган (Оила Кодексининг 23-моддаси) тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқати, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди.

**Муборак КОМИЛЖОНОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Риштон туман ФҲДЁ бўлими мудири.**

НИГОҲ

# БОЛАЛАРНИ СЕВИШ УЧУН
## катта юрак ва тоза қалб керак

**“ҚЎЯВЕРИНГ, ЎЙНАСИН”МИ?**

Мана бир неча ҳафтадирки, “Ёшлар” телеканали орқали бир эмас, қайта-қайта “Эҳтиёт бўлинг, мультфильм!” кўрсатуви намойиш этилди. Тўғри, ижодкорларнинг жонсарак бўлиб бонг уриши бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам бугуннинг боласи фақат чет эл мультфильмлари-ю ўйинчоқларининг таъсирига тушиб қолган. Кўрсатувда таъкидланганидек, қизалоқларимиз сатанг “Барби” қўғирчоқларининг «асира»сига айланган. Буниси-ку ҳолва, ҳатто келинчакларнинг ҳам сепига юмшоқ оқ айиқларни қўшмаса бўлмай қолди. Гўёки тумордек баҳайбат бир махлуқни ётоғининг тўрига ўтқазиб қўйишмоқда. Хуллас, мазкур кўрсатувда таъкидланган фикр ва қарашларни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Аммо...

Сиз бирор бозор ёки дўконда беқасам чопонча кийиб олган, дўппили қўғирчоқнинг “Анжанча”ни айтиб, оёқ қўлларини қимирлатиб турганини кўрсангиз, унинг олдидан беэътибор ўтиб кета оласизми? Албатта йўқ! Лекин уддабурон хитойликларга қойил: исталган бозору дўконларимизда сариқ сочли қўғирчоқлар инглизча, русча ва ҳатто қозоқ тилида ҳам бурро куйлаб, рақсга тушмоқда, қизалоқларга қувонч улашмоқда. Бизнинг саноқли миллий қўғирчоқларимиз (уларнинг кўпчилиги эса айнан ўша хитой ўйинчоқларига бошқа либос кийдириб, ўзбекчага «ўзгартириб» қўйилганини кўриб, аслида ким уддабурон деган савол туғилади) эса Самарқанд, Бухоро, Тошкентдаги қадимги миллий обидалар атрофида жойлашган, асосан, нархи осмонда бўлган сувениру совғалар сотиладиган дўконлардагина топилади. Қўл меҳнати билан яратилган бошқа миллий ўйинчоқлар эса болаларнинг ўйнаши учун эмас, чет элликлар учун эсдалик совғаси сифатидагина расталарга чиқарилади. Худди ҳайкалчалар каби. Болага эса ҳайкалча керак эмас. Шундай ёркин, жонли, ҳаракатланувчи, рақсга тушиб, бир кулиб, бир йиғлайдиган ўйинчоқлар турганда, қайси бола ҳозирги кунда ҳатто буваси ҳам киймайдиган эскича дўппи, чопонли, сочи сариқ, мовий кўз қўғирчоқларга, боз устига улар деярли йўқ бўлса, қандай меҳр қўйсин? Ахир боламиз барибир XXI аср фарзанди ва тараққий топган мамлакатнинг фуқароси бўлиб улғаймоқда. Уни бу каби сохта нарсалар билан ҳайратга солиш мушкул.

Бизнинг энди ана шу боладан талаб қилаётган нарсамиз нима бўляпти? Ўзларига қўғирчоқ ясаб олишми? Тўғри, ўзингиз ҳам бир пайтлар момоларингизнинг латта қўғирчоқлари бўлганини биласиз, шундай қўғирчоқларни қўлдан ясаб ўйнагансиз ҳам. Аммо барибир сизга кимдир тайёр қўғирчоқ сотиб олиб берганда, ўша латта ўйинчоқларингизга қайрилиб қараганмисиз? Шундай экан, болаларимизни ўзимиз қилмаган ишга мажбурлашдан не наф?

**ЭҲ, БИЗ КАТТАЛАР...**

Шу ўринда ўйинчоқлардан ҳам кўра “қўрқинчли” бўлган мультфильмларга тўхталиб ўтсак. Ғашингизга тегса ҳам бир нарсани эслатиб ўтмай иложимиз йўқ.

Бизнинг назаримизда ҳозирги замон боласи учун энг асосий эрмак ва овунч қуйидагилар: видео, DVD, ТВ, шу жумладан компьютер, бир сўз билан айтганда, техника мўъжизалари. Ахир инсоният эришган энг катта ютуқ ҳам шулар эмасми?

Энди ўзимизга савол берайлик: биз ана шу тараққиёт оламида яшаётган болаларимизни қай даражада биламиз? Ҳеч бўлмаса улар ўн, йигирма бор қайта-қайта кўрган мультфильм каҳрамонларини билганчаликми?

Тўғри, баъзан фарзандимиз киприк қоқмай термулиб ўтирган ғарб мультфильмларидаги “Қомати кетворган эканми?”, “ Азизим, айт-чи, сен ҳам мени севасанми?”, “ Нега сенинг йигитинг йўқ, ахир шаҳарликсан-ку...” ёки “Ҳамма нарсанинг коттаси яхши, жоним” деган ғалати жумлаларни эшитиб қолсак, фиғонимиз фалакка чиқиб кетади.

“Ҳой такасалтанг! Кун бўйи кўрганинг шу бемаъни мультиклар. Аммо Алпомишни билмайсан, Гўрўғлини ўқимагансан, Навоийдан бирор байтни тушунмайсан... хумбош”, — дея койишга тушамиз. Боламиз эса кўзини ерга қадаганча (шунисига хам шукр) миқ этмайдию, шу билан бир пайтнинг ўзида ўша биз таърифлаганимиздек “хумбош калласи”да бошқа фикр: ”Ишқилиб, “Хумбош мушук ва кулранг сичқон” мультиги ўтиб кетмадимикин?” (Афсуски, бу мультфильм ҳам чет элники).

Шу ўринда масаланинг энг асосий жиҳати хусусида тўхталмоқ жоиз. Бир ўйлаб кўрингчи, болангиз бир йилда неча бор мультфильм кўради ва унга неча марта анимацион дисклардан сотиб оласиз? Сизнинг болангиз тенги ўғил-қизлар миллионларни ташкил этишини тасаввур қилаётган бўлсангиз, энди шу йўллар орқали ҳазилакам пуллар жамғарилишини хомчўт қилинг... Бу ма'тематик жараён бир мульфильм қаҳрамони ибораси билан айтганда, “космик рақамларга” айланиб кетади. Аввалига шунча пул жонли сурат, яъни «мульти– пульти»ларлардан ҳам келиши мумкинлигига ишонқирамассиз. Аммо бу ҳақиқат. Ҳозирги кунда мультипликация ва болалар фильми саноати бошқа барча ишлаб чиқариш соҳасидан илгарилаб кетса кетгандирки, ортда қолаётгани йўқ.Бир сўз билан айтганда, жаҳондаги энг фаол харидор бу болалар бўлиб қолмоқда. Биз эса ўз фарзандларимизга олиб-сотарчилик қилаётганимизни биласизми?

**ОҒИРНИНГ УСТИ ЯХШИМИ, ЕНГИЛНИНГ?**

“Союзмультфильм” томонидан рус халқ эпоси бўйича олинган “Князь Владимир” анимацион фильми муаллифи ва продюссери Андрей Добруновнинг матбуотда берган маълумотларига кўра, ҳақиқий рус миллий қадриятлари, тарихи ва маданиятидан ҳикоя қилувчи бу эртак-фильмнинг ғояси бир неча йиллардан буён мавжуд бўлиб, уни суратга олиш учун мутахассислар жамоасини йиғиб, маблағ топиш, съёмка ишларини бошлаб юборишга камида икки йил сарф бўлган экан. Хўш, натижачи? Россия кинотеатрларида намойиш этилган бу мультсериал тўрт кун ичида фақат чиптанинг ўзидан 2,2 миллион (бюджетда 5 миллион) доллар соф даромад ишлаган ва жаҳонда энг оммалашиб кетган “Шрек” ва бошқа Америка ленталарини ҳам ортда қолдирган. Фильм ижодкорлари кутилмаган шон-шуҳрат ва чет эллардан туша бошлаган қатор таклифлардан довдираб колмай, зудликда “Княз”нинг иккинчи қисмини суратга олишди. Россия мультижодкорлари томонидан олинган катта ҳажмдаги "Алёша Попович ва Тугарин Илонбош", "Пингвин Лолонинг бошидан кечирганлари", “Билмасвойнинг Ойдаги саргузаштлари" каби мультфильмлар ҳам ўзининг ҳозирги замон боласига мослиги, жалб қила олиши билан бошқа машҳур мультсериаллардан қолишмайди.

Билсангиз эди, шу топда мен “жумладан”, деган иборадан кейин ўзбек мультипликациясининг ҳам қатор ютуқларини санашни нақадар исташимни. Аммо ношукрлик бўлмасин, бизда ҳам мультипликация йўқ эмас. Йилига камида беш, ўнта мультфильм суратга олинади. Шулар орасида , “Зумрад Қиммат”лигимизча қолиб кетмай, “Алпомиш”, “Ур,тўқмоқ”, “Қуш”, “Зардушт – 2. Юлдуз ёғдуси”, «Бедана», “Нон”, «Фаррух ва Зумрад”, “Янчар қуён”, “Чироғдон кўтарган мушук” каби қатор мультфильмларимиз бор. Бундан ташқари бетакрор ва жонли мультипликация дубляжи самарали ишларни амалга оширмоқда. Аммо негадир болаларимиз ўз фильмларимизни севиб томоша қилмайди? Улар учун ўзбек мультфильмлари қабул қилиниши қийинми ё аксинча, енгилми? Бола чет элда ишлаб чиқарилган “Музлик даври”, “Ҳечдан кўра кеч”, “Мадагаскар”,”Хортон”, “Соҳибжамол ва махлуқ”, “Қирол шер”, “Кун-фу-чи Панда”, “Аловиддин”, “Махлуқлар уюшмаси”, “Қувноқ оёқчалар”, “Оппоғой ва етти гном”,"Шрек" ва ҳоказо мультсериалларни кайта-қайта кўришдан зерикишмайди-ю, аммо ўзбек мультипликациясига нисбатан эса бундай муносабат жуда секинлик билан ўзгаряпти. Наҳот уларга фақат ур-йиқит ва шовқин-суронли, олди-қочди фильмларгина ёқса? Аммо кечирасизу, биз юқорида санаб ўтган фильмларнинг аксарияти фақат зўравонлигу ғарбга хос индивидуализм асосигагина қурилмаган. Бу фильмларда эзгулик деган тушунча шу қадар моҳирона тараннум этилганки, баъзида фарзандингиз шу нарсани кўраётганидан суюниб қўясиз. Қанийди, бизда ҳам шундай мультфильмлар ишлаб чиқарилса, деб ҳавас қиласиз.



**ГАРРИ ПОТТЕР ВА ЎЗИМИЗНИНГ ҲОШИМЖОН**

Билингки, ҳеч қачон фақат ҳавас билан иш битмайди. Қолаверса, ҳозирги иқтисодий жараённи ҳам тушуниш мумкин. Ахир кассабоп кино саноатига ёки бирор "ёқимтой" чеҳрали хонандани юлдуз даражасига кўтаришга дов тикаётган пулдор амакилар, хомийлару продюссерларни чўнтагида фақатгина қоғоз парчаларию, турли гайкалар ва михчалар ёки бирор бир шимиладиган конфети бор болакайлар қизиқтирармиди? Продюссерман деганлари фақат катталарнинг кўнгилхушлиги билан овора. Аммо Худога шукрки, бизнинг болаларимизнинг куни “шоу мэн” амакиларга қолгани ҳам йўқ. Давлат бюджетидан қанчадан қанча маблағ фарзандларимизнинг маънавий баркамол, етук инсон бўлиб вояга етишлари, шу жумладан улар учун яратилажак фильмлар учун ҳам ажратилаётгани кундай равшан. Лекин ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган бундай катта имкониятдан мультипликаторлар қай даражада фойдаланаяпти? — деган ҳақли савол туғилади.

Шу боис ҳам жажжи томошабин учун танлов имконияти битгина. Яъни қизалоқларимиз жин-ажина эмас, Баба Ягадан қўрқиб, кўрпага беркинганда, ўғлимиз япон мультфильмидаги сеҳргар маймун Ук Кун ёки Кунфучи Панда қиёфасига кириб, опачасини ҳимоя этиш учун “руҳлар билан жанг” бошлайди.

Биз эса “Эҳтиёт бўлинг, мультфильм” деймизу, танганинг иккинчи томонини кўргимиз келмайди.

Оддийгина бир мисол. “Гарри Поттер” фильмини болаларимиз ютоқиб томоша қилишди. Бу китоб дунё бўйича энг кўп чоп этилган асарлардан бирига айланди. Ваҳоланки, фильм қаҳрамони гарчи қалби тоза бола бўлса ҳам, деярли барча динлар ва миллатлар томонидан қораланиб келинган ҳунар — жодугарлик (сеҳргарлик эмас) билан шуғулланади. Буни қарангки, жодугар Гарри дунё болаларининг севимли қаҳрамони!

Хўш, айтайлик, биргина таниқли ва севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асари яратилганию, унинг неча неча чет тилларига таржима қилинганига шунча вақт ўтган бўлса-да, шу пайтгача бу болалар романининг на киносини ва на мультфильмини кўриш бирортамизга насиб этди. Ваҳоланки, адибнинг шу асарини чет элликлар турли кўринишда импровизациялаштириб, болалар учун фильму мультиклар суратга олишга улгуришган бўлса ҳеч ажабланмайман. Бизда эса Анвар Обиджоннинг “Олтин юракли автобола” асари нимагадир қисса бош қаҳрамони бўлган болани қизалоққа айлантириб, бор-йўғи ўртача бир мелодрама тарзида экранлаштирилди. Ваҳоланки, А.Обиджоннинг “Йўқолган дунё”, Х.Тўхтабоевнинг “Ширин қовунлар мамлакати” каби асарларини қайси бола экранлаштирилган тарзда кўришни истамайди, дейсиз.

**СЎНГ СЎЗ (ЭМАС)**

Ёдингизда бўлса, “ Кичкина табиб” фильмидаги болакай бемор қизни даволашга келган шифокорга нисбатан шундай таъриф беради. “Бу одам Нигорани тузата олмайди. Чунки у болаларни севмайди” дейди болаларча тўғрисўзлик билан. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, “Алпомиш” мульфильми болаларга мўлжалланган анимациями ёки катталарга аталган сюрреалистик уринишнинг кўриниши?.. Умуман, ажабланарлиси, ўзбек мультфильмлари гўёки фақат кулрангдан иборатдек. Уларда ёркинлик, қувноқлик, бурроликни эмас, беўхшов кўринишдаги бўрилар, улкан лой парчаси каби девлар, чўққисоқол жодугарлар, иланг, биланг сояларни кўриб, катта кишининг ҳам юраги сиқилиб кетади. Ваҳоланки, ўзбек мультфильмлари ҳам жаҳон фестивалларида соврину мукофотларга сазовор бўлаяпти. Лекин яхши, болаларбоп фильмларни яратиш учун гоҳи маблағ, гоҳи яхши сценарийлар камлигини рўкач қилиш... Бу энди эртанги кун эгалари — болалар олдидаги масъулиятдан қутулиш учун ҳеч қачон баҳона бўла олмайди. Қолаверса, болаларни севиш учун катта юрак, тоза қалб керак. Бундай қалб сизда ҳам, бизда ҳам бор. Бунга ишончимиз комил.

**Дилфуза ҚЎЗИЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.**

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

# “ОНА СУТИ БОЛА УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ” –

### дейишмоқда ЮНИСЕФ халқаро жамғармаси ва Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари

Бир танишим боласи бир ёшга тўлганида, "энди бўтқа, қозон овқат еса бўлаверади", деб уни кўкрак сутидан ажратди. Озгина вақт ўтмасдан боласининг тоби қочиб қолиб, ҳеч нарса еб-ичмай қўйди. Аҳволи ёмонлашгач, касалхонага олиб боришди. Касалхонада болани жонлантириш бўлимига ётқизишди. Маълум бўлишича, бир ёшли боланинг ошқозони овқатларни ҳазм қилмай қўйибди. Шунда шифокорлар уни фақат она сутигина асраб қолиши мумкинлигини айтишибди. Онаси яна бошқатдан боласини эмиза бошлади. Ҳеч нарсани ҳазм қилмаётган, ҳатто сувни ҳам қайт қилаётган чақалоқ она сутидан озиқлана бошлагач, аста-секин аҳволи яхшиланиб, тузалиб кетди. Ҳақиқатан ҳам, она сути табиатнинг ноёб мўъжизаси. Уни чақалоқлар учун берилаётган озуқалар, бўтқалар сингари пишириш, иситиб-тайёрлаш шарт эмас. У совуқда музлаб қолмайди, ё иссиқда ачимайди, таркиби бузилмайди. Она сутида ҳеч қандай сутда бўлмайдиган, бола организми учун зарур моддалар — витаминлар, минераллар мавжуд.

Биз она сутининг фойдаси ва унинг хусусиятлари тўғрисида аниқ маълумотлар олиш мақсадида **Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий, тиббий Педиатрия маркази илмий ишлар бўйича директор муовини, тиббиёт фанлари номзоди Камола Салиҳовага мурожаат қилдик.**

— Аввалaмбор, фарзанд ота-онанинг қувончи, бахти, эзгу орзу-умидлари тажассумидир. Ҳар бир она дунёга келаётган фарзандини соғлом, зуваласи пишиқ, бахтли-саодатли бўлиб ўсиши учун қайғуради ва чақалоқ туғилмасидан туриб шунга тайёргарлик кўради, — дея суҳбатимизни бошлаб берди у киши.

— Маълумки, она билан бола ўртасидаги ўзаро алоқа ҳомиладорликнинг дастлабки кунлариданоқ бошланади. Буни тиббиётда "Она – йўлдош – ҳомила" мулоқот системаси шаклида тушунтирилади. Фарзанд дунёга келгач эса бу мулоқот "Она — кўкрак сути — бола" тариқасида давом этади. Бола учун она сутидан фойдали ва яхшироқ озуқа йўқ. Она сути ўз сифати билан болага бериладиган бошқа барча маҳсулотлардан устун туради. Унинг таркибида гўёки ҳар бир чақалоқ учун махсус алоҳида буюртма бўйича тайёрланганини каби озиқ моддалар ҳамда инфекцияга қарши омиллар мавжуд. Туғруқдан кейин она ва боланинг дарҳол яқин мулоқотда бўлиши ўзаро муносабатларни шакллантиради.

— **Она сутининг таркибий қисмлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Ўгиз, олдинги ва орқа сут. Ўгиз сути — туғруқдан кейинги бир неча кун давомида она кўкрагида ишлаб чиқиладиган суюқлик бўлиб, бола учун жуда фойдали. Боланинг ичакларини тозалайди, инфекциялардан ҳимоялайди ва иммуноглобулинга бой бўлиб, иммунитетни кўтаради. Шунинг учун ўгиз сути биринчи эмлаш (вакцина) деб ҳам аталади.

Она сутида юздан ортиқ керакли озиқ моддалар бўлиб, фақат миқдор жиҳатидан боланинг эҳтиёжини қондирмай, сифат жиҳатидан ҳам унинг ёшига, соғлигига мос келади. Унинг таркибида вирус ва микробларга қарши курашувчи моддалар мавжуд бўлиб, иммунитет системасининг шаклланишида қатнашади, иммуноглобулинлар эса онадан болага иммунитет ўтишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам сунъий озуқа билан озиқланадиган чақалоқларга нисбатан она сути билан ўсаётган болалар касалликка кам чалинишади. Хусусан, статистик маълумотларга қараганда, бундай болаларда диарея (ич кетиш) касаллигига чалиниш тўрт баробар, бронхозотилжам билан касалланиш уч баробар камроқ. Бундан ташқари, кўкрак сути билан боқилган болаларда аллергия, қандли диабет, кариес нисбатан камроқ учрайди.

Она сутининг 89 ва ундан ортиқ фоизи сувдир. Шу боис бола ҳаётининг биринчи олти ойлигида, ҳатто иссиқ кунларда ҳам қўшимча ичимлик керак эмас.

— **Чақалоқни кўкрак сути билан боқиш унинг руҳий ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?**



— Ҳаракатчанлик, сезувчанлик сунъий озуқа билан боқилган болаларга қараганда уларда эртароқ бошланади. Кўкрак сути эмган бола тетик ва зийрак бўлади. Айрим текширишлар шуни кўрсатадики, она сути билан озуқланган болаларнинг ақлий ривожланиши ҳам эртароқ бўларкан. Бола онани барвақт таний бошлайди, унга интилади, бу ҳол болада илк меҳр куртакларини уйғотади.

— **Кўкрак сути билан эмизиш онанинг соғлигига қандай таъсир қилади?**

— Она ўз фарзандига табиатнинг ноёб мўъжизаси – сут орқали бутун борлиғини берар экан, бунинг ўз саломатлигига ҳам ижобий таъсири бордир. Бу ҳол онага катта масъулият юклайди, ўз соғлиги устида қайғуришга мажбур қилади. Она сутидаги гормонлар фақатгина сутни кўпайтирмасдан, унинг физиологик жараёнларининг нормал бўлишига, жисмонан ва руҳан яхши ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Туғруқдан сўнг бачадон қисқаришига, онанинг репродуктив саломатлигига фойдаси кўп, онани кўкрак саратонидан ва кейинчалик остеопароз — яъни суякларнинг мўртлигидан асрайди. Эмизикли оналарда модда алмашинуви анча жадал кечади, бу эса она иштаҳасининг яхши бўлишига, кайфиятининг кўтарилишига олиб келади, руҳий енгиллик бахш этади.

— **Ёш оналаримизга қандай маслаҳатлар берасиз?**

— Оналаримиз эмизишдан олдин қўлларини совунлаб ювиб, болани кўкракка тўғри йўналтириши керак. Чақалоқни имкон қадар бўш йўргаклаш фойдали. Қаттиқ қисиб йўргакланган чақалоқ бўйни қийшайиб, яхши эма олмайди. Бола кеч, бетартиб эмизилса, сут ажралиб чиқиши ёмонлашади ва сутнинг туриб қолиши натижасида сут безларида оғриқ пайдо бўлади. Кўкрак сути миқдори қисман онанинг фикрлари, сезги ва ҳиссиётларига боғлиқ. Она ва бола туну кун бирга бўлиши муҳим, онага кўкрак сути билан эмизиб боқишни давом эттиришда кўмаклашиш зарур. Бу борада оила аъзоларига эмизикли онага ёрдам беришни тавсия қиламиз. Жумладан:

— **Она иложи борича кўп вақт боласини ўзи парвариш қилиши лозим. Шунинг учун онанинг қўлидан боласини эмас, ишини олинг.**

— **Она боласини ҳар доим қўлида олиб юриши ва фақаттина эмизганда эмас, балки бошқа пайтда ҳам она-бола мулоқотини амалга ошириш керак.**

— **Оилада эмизикли она ва боланинг доимий мулоқотига мойиллик яратиб бериш, психологик қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш лозим.**

ЮНИСЕФ халқаро жамғармаси томонидан келтирилган маълумотларга кўра, агар болалар ҳаётининг биринчи олти ойида фақат она сути билан озиқланса, бу бир кунда 3500 боланинг, бир йилда эса 1 миллион 300 минг боланинг ҳаёти сақланиб қолинишига сабаб бўларкан.

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

**БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР**

# БУЛУТЛАР ОРТИДА ҚУЁШ БОР

Эътибор қилган бўлсангиз, айнан маҳалла-кўй, қўни-қўшни, обрўли кишилар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаол иш олиб борган жойда оилавий ажралишлар деярли учрамайди. Аммо атрофдагиларнинг эътиборсизлиги, ҳали етарли ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги ёш оилаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Оддий мисол, бир оиланинг ташкил топишида совчилик, унаштириш, тўй кунини белгилаш масаласи ҳам жамоатчилик билан бамаслаҳат амалга оширилади. Тўйда келин яшаган маҳалла ҳам, куёвнинг яқинлари ҳам иштирок этади. Энг қизиғи, тўй-ҳашамга барча шай, лекин оилада низо чиқадиган бўлса, маҳалла аҳлининг аксарияти четда томошабин бўлиб «қани, охири нима билан тугаркин?» дея кузатиб туради. Ваҳоланки, ёш оила барпо этилишини тантана қилганлар бу оила қаршисида қандай қийинчиликлар турганини ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Аммо буни қарангки, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, керак бўлса оилалардаги кутилмаган кўнгилсизликларнинг олдини олиш ўрнига ғийбатдан нарига ўтишмайди.

Яна бошқа бир мисол: тан олиш керак, орамизда ўз фарзандларига оталикни белгилаб, ёлғиз она сифатида фарзандини расмийлаштириб яшаётган аёллар ҳам бор. Энди мулоҳаза қилиб кўринг, фарзанд бир кун ёки бир ой ичида эмас, 9 ойдан сўнг дунёга келади, бола туғилгунга қадар онанинг ҳомиласи тиббий муассаса томонидан рўйхатга олинади. Аммо эртаиндин фарзандли бўлай деб турган фуқароларнинг никоҳи қонуний қайд этилмаганлигини кўра-била туриб, маҳалла фаоллари бу ҳақда лом-мим дейишмайди. Тўғри, тўй ўтиб бўлган. Лекин бу билан ҳамма иш битди, энди расмий ҳужжатларсиз ҳам яшаса бўлаверади, дегани эмас-ку.

Биламизки, бир оила бузилишининг оқибати ҳамиша оғир кечишини ҳаёт кўп бора исботлаган. Баъзилар бир қарашда, муаммо ёки низони бартараф этишнинг энг афзал ва мақбул йўли никоҳни бекор қилиш, деб ўйлайди. Бу аслида энг сўнгги чора. Унгача муросаю мадора йўлларини излаб топиш бизларга боғлиқ-ку. Ахир бу муаммо ва зиддиятли вазиятларни аввалроқ, бир-бирини тушунмаслик ва турли келишмовчиликларни юзага кела бошлаган пайтдаёқ ҳал қилиш мумкин эмасмиди?



Турмушнинг бузилиши, аҳилликка путур етиши сингари салбий оқибатларга йўл қўйилиши оила муқаддаслигини идрок этолмасликнинг аччиқ меваси десак тўғри бўлади. Бахтли турмушнинг бебаҳо неъмат эканлиги англанган жойда аҳиллик қўрғони бузилмайди, хонадон парокандаликка юз тутмайди.

Ёмоннинг бир қилиғи ҳам ортиқча, деганларидек, дилозорликнинг биттаси ҳам кўп, дилга хуш ёқувчи ҳолатларнинг эса минги ҳам оз. Шундай экан, бузилаётган оила ортида ўнларча нохуш ҳолатлар юзага келишини унутмаслик керак. Ҳаёт синовлардан иборат бўлса-да, булут ортида ҳамиша нурафшон қуёш порлайди. Одамзоднинг умри ҳам шундай. Чунки инсон учун бу дунёда оиладан ҳам муқаддас ва азиз маскан йўқ.

**Мунаввар САИДАЛАМОВА,**
**Оққўрғон тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**

# «ИНДАМАС»

## ЭР ЎЗ ТИНЧИН ДЕР (МИ?)

ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИ

Ривоятларнинг бирида айтилишича, қадимда бир подшоҳ онаси билан хотини келиша олмаётганидан жахли чиқиб, «Бизда ҳамма нарса етарли бўлса-ю, нимага улар она-боладай меҳрибон яшамайди» деб уламолардан бирига ҳасрат қилибди.

Шунда уламо:

– Хафа бўлманг подшоҳим, бу одатий ҳол, ҳамма қайнона-келин ўртасида ҳам озми-кўпми келишмовчилик бўлади, – дебди. Подшоҳ эса бунга ишонмабди. Ниҳоят тортишув бошланиб, подшоҳ буни охирига етказишга аҳд қилибди.

Ўша ҳудуддаги барча аҳли аёлни йиғиб, ўзи ўтирган тахт остидаги дарвозадан ўтишига ва қайсики келин қайнонаси билан бир умр аҳил яшаган бўлса, бир қўлини кўтариб ўтишга амри фармон берибди. Подшоҳнинг амри вожиб: саф-саф бўлиб аёллар ўта бошлабди. Барча аёл ўтиб бўлай, дебди-ю, ҳеч ким қўлини кўтармас эмиш. Подшоҳнинг бўлса, тортишувда енгилаётганидан жахли чиқа бошлабди. Шу пайт бир оқсоқ аёлнинг қўл кўтариб ўтаётганини кўриб қолибди. Мулозимларига тезда аёлни тахтга олиб чиқишларини буюрибди. Кейин ўша аёлни уламо олдида сўроққа тутибди:

– Сиз ростдан ҳам умр бўйи қайнонангиз билан аҳил яшадингизми?

– Ҳа, орамизда ҳеч қандай кўнгилсизлик бўлмаган, – дебди аёл. Буни эшитган подшоҳ.

– Хайрият-э, мана, аҳил ўтадиган қайнона-келинлар ҳам бор экан-ку! – дебди. Шунда уламо: – «Мен аёлга битта савол берсам майлими? – деб сўрабди.

– Бемалол беравер энди, – дебди подшоҳ.

– Синглим, неча йилдан буён шундай аҳилликда яшаяпсизлар? – сўрабди у.

– Мен келин бўлиб тушган куннинг эртаси куни қайнонам қазо қилганлар, – деб юборибди аёл.

Шундагина подшоҳ оиладаги қайнона-келин муносабати азалий одатлигига тан берибди ва шу кундан бошлаб хотини ва онасининг жанжалларига бепарво қарайдиган бўлибди.



— Яхши яшардик, — дейди 25 ёшли Гулнора исмли аёл. Икки фарзандли бўлганимиздан кейин ҳаммаларига «ўтирсам — ўпоқ, турсам — сўпоқ» бўлиб қолдим. Бунга юзаки қараб бўлмайди. Турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламай, турли баҳоналар билан шаҳарма-шаҳар юришини қўймади. Онаси, сингиллари бўлса, «тайёрни еб, ўтираверади» деб қарғагани-қарғаган эди. Лекин турмуш ўртоғим уриб-сўкмагани учун, ҳаммасига чидаб, уйимга кетишни хаёлимга келтирмадим. Афсуски, бу азобнинг чеки кўринмасди.

Бир куни кечаси билан бетобланиб, аранг тонг оттирдим. «Хотининг баҳона қиляпти» дейишларидан зериккан турмуш ўртоғим «Уйингга кетавер, ҳеч ким касалингни боқолмайди» – деди.

Шундагина сабр косам тўлиб-тошди, болаларимни олдим-у онамникига кетдим. Лекин бир ҳафтагача тобим йўқлигини баҳона қилиб, келганимнинг асл сабабини ҳеч кимга айтмадим. Чунки мен оилам тақдирини ўйладим. Бироқ мени орзу ниятлар билан келин қилган қайнонам эса тезда юкларимни олиб, уйни бўшатишим кераклигини қўшнимиздан айтдириб юборибди.

Шундан сўнг қайнонамникига бордик. Қанча тушунтириш, тортишув, жанжалларга қарамай, барибир шу куни қайнонамнинг уйини бир умрга тарк этишга мажбур бўлдим. Турмуш ўртоғим онасидан қўрқиб, бир оғиз ҳам на ҳа, на йўқ деб айтолмади. Мана, ўшандан бери орадан икки йил ўтди. Дард устига чипқон деганларидек, турмуш ўртоғимнинг менга уйланмасидан олдин оиласи бор экан. Онаси ва ака-сингиллари бўлса шуни кўра била туриб, менга жабр қилишибди. Беҳудага жанжал қўзийверишларининг боисини эса энди тушуниб етдим. Турмуш ўртоғимнинг бу номардлигини ҳеч қачон кечиролмасам керак...

* * *

— Нега инсон қилиб яратдинг эй, Худо, деб унсиз йиғлардим кечалари – ҳикоя қилади, Насиба исмли яна бир ёшгина жувон. Ахир, қачонгача бу таъна-дашномларга чидаб яшаш мумкин? Эскича-ю янгичасини қилиб даволандим, натижа бўлмади. Эрингизни текширтиринг, дейишяпти дўхтирлар. У хоҳламайди, онаси эса «Болали бўлмасанг, хотинингни ҳайдайсан» дегани-деган. Шундоқ ҳам ҳар куни буни юзимга соладилар. Қани энди мен ҳам фарзандимни бағримга боссам, деб ўйлардим. Охири Адҳамбой акам тиббий кўрикдан ўтдилар. Афсуски, айб ўзида эканлигини, даволаниш лозимлигини айтишди. Буни ҳеч кимга, ҳатто онасига ҳам айтмадик. Лекин эрим даволанмади, мен нима бўлганда ҳам ажралмаслигимни айтдим. Орадан яна бир йил ўтди. Онаси ҳамма айбни менга ағдариб, «бу барибир туғмайди, мен ўғлимга бошқа хотин олиб бермоқчиман», дегандан кейин ноилож ажралишдик. Менинг «индамас» эрим яна кимнинг бахтига зомин бўлади, билмадим. Эр-хотиннинг аччиқ тақдири ана шундай якун топди.

Мақоламиз сўнггида юқорида тилга олинган ривоятга на қайнона на келиннинг орасига тушмаслик керак экан, деб бепарволикни танлаган подшо ҳақ эдими? Ахир подшо — давлат аркони. Ўз оиласига нисбатан бефарқ подшо фуқаролари учун куйинармиди? Сиз-чи? Онам билан хотинимнинг қай бирига ён босаман, деганча бир чеккада жим турган «индамас» эрлар: сизнинг шу йўлингиз тўғримикан? Фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутамиз, азиз газетхон.

**Шаҳзода АКБАРОВА**

АКС — САДО

### ҚАЕРДАСИЗ, "УЧИНЧИ ОДАМ"?

**"...Чиғирикдан ташқари"(32-сон)** мақоласини ўқиб, ўйланиб қолдим. Ҳар доим севимли газетамни кузатиб бораётганим учунми, негадир маиший мавзуларда ёзилганлари кўпроқ эътиборимни тортади. Айниқса, қайнона-келин, қудаандалар ва ниҳоят, эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларда ҳар доим "учинчи одам"нинг нафаси сезилиб туради. У гоҳи ошкора, гоҳи пинҳона "кўриниб" ҳам қўяди. Лекин ҳеч қачон сиртига сув юқтирмайди. Томошабин бўлиб тураверади. Аслида ҳамма қилғиликлар бошида ўша қиёфа туради. Бизлар эса уни кўрмаймиз. Бир-биримизни сўкиб, лойга чаплаб юраверамиз.

Кеча уйингизга келин келди. Сиз билан шу кунгача "сен"лашиб юрган акангиз энди бир оиланинг эгаси. Энди уни сизланг, келинпошшанинг олдида ҳеч қачон у билан тортишманг. Чунки эртага сизнинг ўзингиз ҳам бошқа бир бегона (аслида бир умр "тош бўлиб қотади"ган манзил) оилага ҳақиқий аъзо бўлиб борасиз.

Ёки уйингизга меҳмон келиб қолди. Гап орасида янги келин ҳақида сўраши табиий. Ёмонини яширинг, яхшисини оширинг. Бошқаларга қўшилиб ғийбат қилманг. Ана кўряпсизми, ёнингизда кутилмаган "учинчи одам" сизни синаб кўраяпти.

Ёнгинангизда, ортингизда, қўйингки, ўнгу сўлингизда ҳам ана шу "учинчи одам" сизни таъқиб қилаяпти. Уни танимайсиз, билмайсиз, кўрмайсиз ҳам. Атрофга синчков назар билан боқинг, тилингиз ҳам, дилингиз ҳам бир бўлсин. Ана шунда ютқазмайсиз.

**Гулноза АБДИЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси.**

## ҚУЛОҚЛАРИ ЧАНДИҚ ҚИЗ

БЎЛГАН ВОҚЕА

Зилола дугонаси билан курсдошиникига Янги йилни кутиш учун кетишаётган эди. Ҳамма ёқ оппоқ қор, совуқ. Аксига олиб барча транспортлар тирбанд.

— Наргиза, анави йигит боядан бери биз томондан кўзини узмаяпти, танишинг эмасми? - деди Зилола бекатдаги йигитни кўрсатиб.

— Йўғ-е, биласанку, йигитлардан танишим йўқлигини, шунчаки у ҳам бизга ўхшаб машина кутаётгандир-да, — деди Наргиза нарирокда турган хушрўйгина йигитга бир қараб қўяркан.

— Наргиз, у сендан кўзини узолмаяпти. Ёқтириб қолган шекилли, — Зилола дугонасини туртиб, яна ўша томонга қарашга мажбурлади.

— Э, қўйсанг-чи, — қўл силтади Наргиза, — ахир мен сенга ўхшаб чиройли бўлмасам, нимамга қарарди?

Бироқ ўзи ҳам беихтиёр ўша йигит томон ўғринча қарар экан, кўзи кўзига тушди. Бир муддатлик бу нигоҳлар тўқнашуви қизнинг юрагида ғалати бир ҳисни уйғотгандек эди. Шошиб, уялиб ерга қаради.

Бир оздан кейин Наргизанинг ўзига бўйсунмаган нигоҳлари яна уни таъқиб этаётган нигоҳлар билан учрашди. Ўткир ва сирли қарашларга дош беролмаган қизнинг нигоҳлари бу сафар ҳам ерга қадалди.

— Ҳа, дугонажон, сен ҳам ёқтириб қолдинг шекилли, — дея Зилола тегажоқлик қилди.

Кун анча кеч бўлиб қолганлиги учун атрофда улардан бўлак йўловчи ҳам йўқ эди. Шу пайт ҳалиги йигит қизлар томон яқинлаша бошлади «Кетиб қолишимизни билиб, танишиб олмоқчи, шекилли ёки унинг ҳам биз билан йўли бирмикин?» - дилидан ўтди Наргизанинг. Унинг қадами яқинлашган сайин юраги ширин ҳаяжондан дук-дук ураётганди. Шунда унинг хаёлларини Зилоланинг овози бўлиб юборди.

— Кетдик, чиқа қол. Ноилож у тўхтаган машина томон энди икки қадам қўйган эди ҳамки, қаттиқ оғриқдан додлаб юборди. Чунки қачондан бери ундан кўзини узмаётган «хушрўй» йигит орқасидан келиб, икки қулоғидаги тилло исирғани юлиб кетганди. Бир зумда елкалари қонга бўялди...

Тиллоларни яна топса бўлади-ю, бироқ Наргизанинг қулоқлари чандиқ бўлиб қолди. Шу-шу тикилиб қараган йигитлардан қўрқади...

**Ш. АКБАРОВА**




## ООО «КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР»

### 32 йилдан бери фаолият юритамиз.

**1. Офтальмология хизматлари**

— Диагностика (кератоконус, кератоглобус, астигматизм — ҳамма турлари, афакия, гиперметропия, миопия);

— Барча турдаги кўзойнакларни танлаш;

**2. Барча турдаги юмшоқ линзаларни ишлаб чиқариш;**

-35,0 — +30,0d

**3. Қаттиқ линзалар — индивидуал тайёрлаш (текширув ва танлаш);**

— Ҳаво ўтказувчи хусусиятга эга линзалар -35,0 — +30,0d;

**4. Шоҳ пардага тушган оқ чандиқларни бекитувчи линзалар (косметик линза);**

**5. Юксак малакага эга шифокор хизмати;**

**6. Хизмат тури нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан.**

**Email: kont@k Linzalar.uz. МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш-8.**
**Мўлжал: Республика кўз касалликлари шифохонаси.**
**ТЕЛЕФОН: 246-77-51, 227-15-69**

*Хизматлар лицензияланган*

«БЕКАТДАГИ ЎЙЛАР» ТУРКУМИДАН

# ТИКОНДА ҲАМ ИФОР БОР

## ёхуд гўзалликни ким қутқаради?



...Йигит эшик ортида беихтиёр тўхтаб қолди. Ичкаридан келаётган овоз уни гангитиб қўйган на қўнғироқ тугмасини босишга жазм этар, на шарт бурилиб кетишга ўзида куч топарди. «Наҳотки бу ўша келинойим бўлса?» Йигит оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган аёлни йўқлаб келган кишиси эканига сира ишонгиси келмас, у билан кенгашмоқчи бўлган ўй-режалари хаёлида оғир бир сукутга айланганди. Шу пайт ичкаридан акасининг «нима қил дейсан, ахир» деган ўтинчли овози эшитилди-ю, йигитнинг хафсаласи бутунлай пир бўлди. «Ҳали акам уйдамиди?» у юрагига урилган оғриқли савол зарбидан ўзи сезиб-сезмай қўлидаги янгасига аталган лолаларни ғижимлаганча йўлакка сочиб юборди...

Аёл гулдек нозик хилқат. Унга таъриф берилганида энг аввало назокат, латофат, маъсума, оқила, мунис ва дилбар қалб соҳибаси дея ардоқлайдилар. Жамики гўзалликлар унга қиёсланади. Кўнгил ҳаловат топади унинг борлигидан. Юракларда ҳаётга муҳаббат, завқ-шавқ, ишонч ва умид уйғонади унинг жилмайиб боқувчи нигоҳлари қудрати билан. Шу боис уни фаришталарга қиёслайдилар... Лекин афсуски, айрим ҳолатлар аёллик ифорига парда тортаётган, уни ўзидан узоқлаштираётгандек туюлади. Хўш, нима иффат маликаси саналган айрим хотин-қизларимизни чапани, кўрс, қўпол, жаҳлининг қулига айлангувчи касга айлантириб қўяётган "куч" нима ўзи? Ёки у аёл сифатида қадрланиб, эъзозланмаяптими? Ҳаётнинг юки қадди каби нозик қалбини ҳам толиқтириб, ожизанинг яна бир ожизалиги яъни аламларини жаҳл билан ошкор этувчи кимса сифатида намоён этаяптими?

**— Олиб борилган илмий тадқиқотлар бугун аёлларимизнинг кўпчилигида эркакларга хос бўлган сифатлар яъни ишбилармонлик, тадбиркорлик, лидерликка интилиш каби, эркакларимизда эса аксинча жиҳатлар бундан ўн-ўн беш йил олдингига қиёсланганда анча ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда, — дейди психология фанлари номзоди Одинахон Отажонова. — Шундай экан, аёл шахсидаги бу қобилликлар ҳам атрофидагилар томонидан рағбатлантирилиши, қувватланмоғи керак. Юқорида тилга олинганидек, эркакларимизнинг айримлари феълларидаги феминин яъни аёлларга хос сифатлар аёлларимизнинг нозик оламларидаги дағалликларнинг "бўй" кўрсатишига изн бермоқда. Оилада эса аёл эридан кўп нарсани кутади, излайди. Буларни фан тилида «Ижтимоий кутилмалар» деб атаймиз. Масалан, рўзғорнинг таъминоти, болаларга намуна бўла олиш ва уларни бошқариш, керакли ўринларда муаммоларга ечим топиш, ўз мавқеини қўя билиш... Эркакнинг бу каби ўринлардаги сустлиги эса ўз-ўзидан оилада ўринларнинг алмашувига олиб келади. Бу ҳолат борабора феъл-атворга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Яна бир кўриниш, аёл билан оилада ҳисоблашилмайди, ундан фақат хизматларигина талаб этилади. Баъзан йиллар давомида ичга ютиб келинган изтироблар вақти келиб норозиликнинг турли кўринишларида ўз аксини топади ва унинг «портлаши»га сабаб бўлади. Айрим ўринларда эса аёлнинг ўз «мен»ига юқори баҳо бериши, ўзининг «таъминотчи» ёки «бошқарувчи»лик хизматларини пеш қилиб яшаша одатланиши ҳам қарашларидаги қусурларнинг илдиз отиб боришига замин яратади. Айниқса, аёлнинг турли муросасизликлар таъсиридаги аламидан мурғак болаларига заҳрини сочиб қутулиши фарзандлари қалбида онага нисбатан ҳурмат, меҳр каби хислатлар ўрнини қўрқув эгаллашига олиб келади...**

Инсон қалби ана шундай сирли жумбоқ. Ҳаёт эса ҳар куни тотли неъматларини узатиб турувчи меҳрибон ҳам эмас. Демакки, аёлнинг ҳам турли машаққатлар, синовлар билан тўқнаш келиши табиий. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у АЁЛ бўлиб, мушкулотларни енгиб ўтишга қодирлигини унутмаслиги керак. Кечаги ва бугунги кунимизнинг бекатларидан бунга жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Назаримда аёл ўз аёллик ифорини дунёга гўзал бир иштиёқ билан боқиб, гўзалликлар излаб, асраб-авайламоғи мумкин. Оддийгина бир кунимизнинг қадрига етишга уринайлик: чиройли, беғубор тонг отди. Ана шу мунаввар олам ичра бир неча сония сайр этиб, қанчалар завқ-шавқ, ҳаётга муҳаббат топмоқлик мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, жисмимиздаги ҳамма нарса бирбири билан чамбарчас боғлиқ. Кўзгуга боқиб, жилмайишга мойиллик сездингизми, мияда «Яшамоқ гўзал...» деган садо жаранглайди. Инсоннинг саломатлиги эса кўпроқ нима еяётганлигига эмас, уни нима безовта қилаётганига боғлиқ экан.

Шу ўринда, кўз ёшлари стрессдан қутулишнинг энг ишончли усули дея қайд этилади. Ёш билан чиқиб кетмаган дард, алам, бош оғриғи ва артроз касаллигини, доимий асабийлашув ошқозон бузилишини, хавфсираш эса юрак уришининг издан чиқишига олиб келиши исботланган. Демак, сайр, табассум ва йиғи дилдаги ғуборларни ювишнинг табиий воситаларидир. Бу билан сиз йиғлоқига айланинг ёки бўлар-бўлмасга жилмаяверинг демоқчи эмасмиз. Аёлнинг киприги намланиб, балки мусиқа тинглаб ёки спортнинг қайсидир тури билан машғулликда кўнглини хуфтон қилаётган ғуборлардан фориғ бўлиши унинг тилига эрк бериб, енгил тортишидан минг бора гўзаллигини таъкидламоқчимиз, холос.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, сизнинг хоббингиз борми? Йўқса ўзингиздаги бу хоҳишни кашф этинг. У сизни ҳамиша руҳий жиҳатдан озиқлантириб туради. Айтишларича, ёш болаларни суйиб эркалаш ҳам кишини дилидаги ғашликлардан халос этиб, ёруғ хаёлларга ошно этаркан. Ақлий ва жисмоний меҳнат ҳоритганида, нималардир кўнглини ғашлаб бошлаганида тўқиш, тикиш, дастурхон безашга уннаш каби машғулликлар ҳам инсоннинг тану жонига ором беради. Аёл бу каби уринишлари билан аввало ўзини аяйди, қадрлайди, қолаверса, ундан андоза олиб улғаяётган қизларининг фазилатларига жило беради.

***...Автобус тўхтайди. Бекатига етиб келганини сезиб, шошганича ўриндан қўзғалган йигит қаршисида тик турган нозиккина қизни турткилаганча эшик томонга ошиқади. «Эҳтиёт бўлсангиз-чи» қизнинг бу эътирози йигитнинг ўқрайиб ўгрилиши-ю, ҳақоратомуз сўзларига бориб тўқнашади. «Ахир, мен қиз боламан-ку»... У балки бу гал ҳеч нарса демас. Лекин... Шундай. Аёлнинг ўзи каби унинг ифори ҳам нозик ва нафис. Демакки, ҳар қандай аёлнинг оҳорини йўқотмаслик ташвишини фақат унинг ўзи эмас, ўзгалар ҳам маълум маънода чекмоқлари керак.***

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**журналист.**

ЗАМОНДОШИМИЗ

# ТЕРИДАН ЯРАТИЛГАН МЎЪЖИЗА



...Ўшанда 1998 йилнинг ноябрь ойи эди. ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор қадим Бухорои шарифга расман ташриф буюрганда, рассом Арслон Рамазонов унинг ўзига қоракўл тери парчаларидан мутлақо янги услубда ишланган портретини тақдим этди. Нуфузли ташкилот раҳбари ўз тимсолининг матодаги бундай бетакрор аксидан ҳайратланиб, ўзбек мусаввирга чуқур миннатдорчилик билдирган эди...

Асли Ғиждувон туманининг Лабирўд қишлоғидан бўлган Арслон Рамазонов ўсмирлик йиллариданоқ Бухородаги таниқли рассомлар Фирс Маликов ва Раим Ҳакимовлар ташкил этган тасвирий санъат студиясига қатнаб юрди. Ҳарбий хизматдан сўнг Бухоро пиллакашлик фабрикасида безатувчи рассом, кейинроқ Ғиждувон шаҳридаги бадиий устахонада бош рассом бўлиб ишлади. 1986 йилда Москва халқ санъати университетининг рангтасвир ва графика факультетини имтиёзли тугатган Арслон Рамазонов Бухородаги барча маданий тадбирларда, ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда фаол қатнаша бошлади. Унинг «Бухоро», «Ҳижрон ва алам», «Эрта баҳор», «Гулчи қиз» каби суратларида она юрт гўзаллиги, кўҳна Бухорога хос бўлган манзаралар ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, амалий санъат йўналишида ўзига хос услуб яратган бу инсон кўп йиллардан бери шаҳар, вилоят ва республикада ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловларида иштирок этиб келади. Шу билан биргаликда Арслон ака Бухоро тасвирий ва амалий санъат мактаб-интернатида ўқитувчилик қилади. Унинг иқтидорли ўқувчиларидан Нозима Ҳамроева Тошкентда ўтказилган «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалида кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, яна бир истеъдодли шогирди Зебинисо Шарипова яратган асарлар кўпгина тасвирий санъат ихлосмандларига таниш.

Устозлари Юрий Арсеньев, Фирс Маликов, Ўзбекистон халқ рассоми Нўъмонжон Аминов, бухоролик машҳур зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темировалардан ўрганганларини умумлаштириб, шогирдлари қалбига сингдириб бормоқда. А.Рамазоновнинг рассом сифатида ўзига хослиги шундаки, у қарийб 30 йиллик ижодий фаолиятида қоракўл тери парчалари ва хар хил рангли, зарли иплардан фойдаланиб, портрет ишлаш технологиясини ўзи ишлаб чиқди ҳамда чуқур ўзлаштирди. Буни рассомлик соҳасида ўзига хос ихтиро дейиш мумкин. Чунки унинг ижодхонасига кирсангиз, ҳеч қайси рассомникига ўхшамайдиган иш услубининг ўзиёқ санъатдан йироқ кишиларни ҳам маҳлиё қилиб қўяди. Қоракўл тери парчалари ва зар иплар билан мўъжиза яратиш осон иш эмас. Матода инсон характерига хос жиҳатларни акс эттирганлиги боис бугун унинг асарлари Америка, Англия, Франция, Туркия, Исроил, Корея, Хитой, Россия, Малайзия, Озарбайжон сингари мамлакатлар музейлари-ю, шахсий кўргазмалардан ўрин олган.

Арслон ака илҳомни, ижод учун кучни ўз хонадонидан олади. Чунки унинг хонадони Ширбудин маҳалласида энг намунали оилалар сирасига киради. Рафиқаси Мўмина опа Файзуллаева билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Турмушнинг аччиқ ва ширин дамларида доимо бир-бирларига кўмакдош бўлишди.

— Орзуларим бир дунё, — дейди мусаввир суҳбат сўнгида. — Шогирдларимга бу мураккаб жанрни ўргатишим учун менга каттароқ устахона керак. Мана шу бажарган ишларимнинг кичик нусхалари ва ранг тасвирдаги суратларим асосида махсус музей очиш ниятим бор.

**Моҳигул НАЗАРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# «ОҚИЛА КЕЛИН» АНИҚЛАНДИ

ТАНЛОВ

Норин туманидаги Кўкмозор маҳалла фуқаролар йиғинида мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланиб, «Оқила келин» танлови ўтказилди. Унда маҳалланинг бир неча сулув ва зукко келинчаклари беллашди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг оила ҳақидаги тушунчалари, пазандалиги, рўзғор юритишдаги саранжом-саришталик, тежамкорликларига алоҳида эътибор қаратишди.

Натижаларга кўра, Ҳуснида Тўйчиева «Оқила келин» деб тан олинди. Чунки у аёлнинг оиладаги она ва бека сифатидаги ўрни, вазифаси, масъулиятини маҳорат билан кўрсатиб берди. Назокат Ибрагимова, Дилшода Кўчқорова, Нигора Ўриновалар ҳам турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

— Қайсики хонадонда соғлом муҳит ҳукмрон экан, у оила мустаҳкамдир, — дейди маслаҳатчи Жамилахон Фозилова. — Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсадимиз битта, бу ҳам бўлса, ёш келинларимизга оила муқаддаслигини англатиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш. Зеро, аёл, она оқила бўлса, хонадонларимиз чинакам бахт қўрғонига айланади, бу масканда комил авлодлар етишиб чиқади, миллий қадриятларимиз боқийлигига замин яратилади.

**(Ўз мухбиримиз)**
**Наманган вилояти.**

## ШАНБА 29

### O'ZBEKISTON

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.10 Миллий кино: **«Нотаниш полвон».** 1-қисм.
07.50 «Ватанимни куйлайман».
08.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
08.35 Миллий кино: **«Бахт гуллари».**
10.10 «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивали кундалиги.
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маўрит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 Миллий сериал: **«Туташ тақдирлар».**
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 «Очун».
13.20 Миллий сериал: **«Турмуш чорраҳаларида».**
13.55 «Ҳаёт манзаралари».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ҳажвия бисотидан».
**14.40 «Табиат китоби».** Б/ф. 2-қисм.
16.25 ТВ - анонс.
**16.30 Тошкент - 2200.** Шайхонтоҳур.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.20 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
**17.40 Тошкент - 2200.** «Боқий Тошкент».
18.00 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
**18.40 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.**
«Қишлоқ ҳаёти».
19.00 «Рамазон туҳфаси».
19.20 «Олтин мерос».
19.25 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». /рус/.
19.55, 20.55 Эълонлар.
20.00 **«Туташ тақдирлар».**
20.40 «Кун мавзуси».
21.00 «Ахборот».
**21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига:**
«Келажагимиз гарови».
22.00 «Кинотақдим».
22.25 Миллий кино: **«Ўтов».**

### YOSHLAR

7.00 «Ёшлар майдони».
7.30 **«Чархпалак».** Т/с.
8.15 «Ўзбек адабиёти».
8.20 «Сўнмас юлдузлар».
8.40 «Ўзбегим матолари».
9.00 **«Шерюрак».** Т/с.
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 **«Кулол ва Хумча».** Б/ф.
11.35 «Кичкинтойлар боғи».
11.45 «Тошкент мушоираси».
11.50 «Жаҳон операси».
12.00 «Қадим ўлка достони».
12.40 «Тошкент илҳомлари».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Даврнинг боласи».
13.20 «Мультипанорама».
13.40 **«Тонгги шудринг».** Т/с.
14.30 «Ёшлар майдони».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.10 «Тошкент мушоираси».
15.15 «Ранглар рақси».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Болалар табассуми».
16.40 **«Эртаклар оламида».**
17.40 «Чемпион».
18.05 **«Чархпалак».** Т/с.
18.50 «Ватан меҳри».
19.00 «ДАВР».
19.30 **«Тонгги шудринг».** Т/с.
20.20 «Айланай».
20.40 «13-студия».
21.00 **«Шерюрак».** Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 **«Келгинди келин». Б/ф**
00.20 «Тошкент илҳомлари».

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-»Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 **«Пойтахт».**
9.40 «Тошкент-2200».
9.45 «Интервью».
9.55 «Уйларим».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!»
10.30 **«Пойтахт».** /рус/.
10.40 «Милагрос». Т/с /рус/.
11.10 «Тошкент-2200».
11.15 «Афиша»/рус/.
11.30 Ёзги таътил кунларида: «Бойўғли қичқириғи». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». /рус/.
15.20 «Тошкент-2200».
15.25 «Кинотақдим».
15.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
16.40 «Анонс».
16.45 «Тошкент-2200».
16.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари » М/ф
17.45 «Карвонсарой».
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига : «Истеъдод».
18.30 **«Пойтахт».**
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-»Пойтахт».
19.45 «Репортаж».
19.55 «Тошкент-2200».
20.00 **«Пойтахт».** /рус/.
20.20 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
20.50 «Сўз сизга».
21.30 **«Пойтахт».**
21.55 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 - 23.45 Индийское кино : «Папа». Х/ф 2серия.

### SPORT

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус. тил)
9.25 «Соғлом оила».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил)
10.25 «Баркамол авлод».
10.40 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
11.40-12.30 Экстремал спорт мусобақаси: «Паҳлавонлар беллашуви».
***
18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
**18.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига:**
**«Ўзбек спортининг 18 фасли».**
19.15 «Фоторевю».
19.35 «Аёл ифори».
20.15 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
**21.15 Футбол. Англия премьер лигаси.**
«МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» - «АРСЕНАЛ». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
Танаффусда «Хабарлар» (ўзб. тил)
23.05 «Файтер». Восточные единоборства.
**23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.** «НАСАФ» - «НЕФТЧИ».
00.20 «РИНГ».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «9 месяцев» худ.фильм
13.20 Ўзбек наволари
14.30 «Тунлар муборак»
15.00 «ЧАРЛИ И ШОКОЛАДНАЯ ФАБРИКА» худ.фильм
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Бизнинг мусиқа»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «ПОЦЕЛУЙ НА УДАЧУ» х/ф

### ntt

04:25 "Зиё" студияси
05:00 "Буни ҳаёт дейдилар"
05:30 Барҳаёт наволар
06:00 "Яхши кайфият"
06:30 "Асрлар садоси"
07:00 "Улуғимсан, Ватаним!"
07:30 **"ҲУДУД"**
07: 50 "Сўғдиёна"
08:00 Экран хандаси
08:30 "Янги авлод"
09:00 "Ёшлар" студияси
09:30 **"Сув ёқалаб" б/ф**
11:00 "Тарона"
11:20 "Одамлар орасида"
12:00 **"Ҳижрон" т/с**
14:00 **"ҲУДУД"**
14:30 **"Сирдош" б/ф** (Ҳиндистон)
17:00 "Янги авлод"
18:00 "Асрлар садоси"
18:30 "Тарона"
19:00 "Зиё"
19:25 "Буни ҳаёт дейдилар"
20:15 "Муштарак манзил"
20:30 "Дийдор ширин"
21:45 "Муштарак манзил"
22:00 **"Омадсизга кулди омад" б/ф** (Ҳиндистон)

### СофТС

08:00 Музыка
09:00 «Папины дочки » (5 серий)
11:05 «6 Кадров»
11:30 «Жизнь прекрасна»
13:10 «Самый умный»
14:45 «Истории в деталях. Спецвыпуск»
15:15 «Галилео. Дайджест»
16:05 Сериал «Папины дочки»
17:15 «Кадетство» (5 серии)
21:30 «Истории в деталях. Дайджест »
21:55 «6 кадров»
22:20 Музыка

### ОРТ

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 Комедия «Происшествие в Утиноозерске»
06.15 Худ. фильм «Под маской Беркута»
08.05 «Слово пастыря»
08.20 «Здоровье»
09.15 Смак
10.00 «Владимир Ивашов. Баллада о любви»
11.10 «Внутри смерча»
12.10 Худ. фильм «От 180 и выше»
13.55 Худ. фильм «Избранные»
16.20 «Сергей Соловьев. В поисках натуры»
17.25 Сериал «Обмани меня»
19.00, 20.15 «Деревенская комедия»
20.00 «Время»
21.20 Эдвард Радзинский. «Снимается кино»
22.20 Худ. фильм «Скорость-2»
00.30 Худ. фильм «Мой мальчик»
02.15 Худ. фильм «Новичок»
03.55 «Михаил Таль. Жертва королевы»

## ЯКШАНБА 30

### O'ZBEKISTON

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 ТВ - анонс.
07.10 Миллий кино: **«Нотаниш полвон».** 2-қисм.
07.50 «Ватанимни куйлайман».
08.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
08.35 «Бизнинг кутубхона».
**08.45 «Тилсимой - ғаройиб қизалоқ».** Б/ф.
**09.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақилллигининг 18 йиллигига:** «Юксалиш одимлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 Миллий сериал: **«Туташ тақдирлар».**
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 «КиноТеатр».
13.30 «Ватанимни куйлайман».
**13.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига:** «Келажагимиз гарови».
14.05 ТВ - анонс.
**14.10 «Табиат китоби».** Б/ф. 3-қисм.
15.45 «Тўмарис». М/ф.
15.55 ТВ - анонс.
16.00 «Ҳамон ёдимда...»
16.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
**17.40 Тошкент - 2200.** «Боқий Тошкент».
**18.00 «Шарқ тароналари» VII Халқаро мусиқа фестивали.**
19.00 «Рамазон туҳфаси».
19.20 «Олтин мерос».
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Миллий сериал: **«Туташ тақдирлар».**
20.45 «Тошкент ҳақида қўшиқлар».
20.55 «Эълонлар».
21.00 «Таҳлилнома».
**21.40 «Шарқ тароналари» VII Ҳалқаро мусиқа фестивали саҳифаларидан.**
22.10 ТВ - анонс.
22.15 Миллий кино: **«Ватан».**

### YOSHLAR

7.00 «Унутилмас оҳанглар».
7.30 **«Чархпалак».** Т/с.
8.15 «Тошкент мушоираси».
8.20 Миллий кино: «Мешполвон».
9.25 «Тошкент илҳомлари».
9.35 «Соғлик – бойлик».
9.55 «18 ёшинг муборак!»
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 **«Шерюрак».** Т/с.
11.25 «Истиқлол шукуҳи».
11.30 **«Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф**
13.00 «Ҳаёт сўқмоқлари».
13.20 «Ватан меҳри».
13.30 «Камолот хабарлари».
13.40 **«Тонгги шудринг».** Т/с.
14.30 «Инсон психологияси».
15.00 «Ҳаётбахш наволар».
15.10 «Тошкент мушоираси».
15.15 «13-студия».
15.35 «Истиқлол шукуҳи».
15.40 «Айланай...»
16.00 Миллий кино: **«Танка».**
17.20 «Ўзбегим».
17.40 «Ватан меҳри».
17.50 **«Самовий ишқ».** Т/с.
18.50 «Тошкент мушоираси».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Таранум».
20.40 «Шарқ гавҳари».
21.25 «Ватан меҳри».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 «Келгинди қайнона». Б/ф

### TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-»Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 **«Пойтахт».**
9.40 «Тошкент-2200».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Анонс».
10.00 «Телекурьер-маркет».
10.30 **«Пойтахт».** /рус/.
10.40 «Анонс».
10.45 «Истеъдод».
11.00 Ёзги таътил кунларида: «Қасамёд». Б/ф.
12.10 «Морхўр изидан». Т/ф.
12.30 «Тошкент-2200».
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.05 «Парвона». Ўзбек Давлат миллий драма театрининг спектакли.
16.00 «Телекурьер-маркет».
16.20 «Карвонсарой».
16.30 «Болаликка қайтиб».
16.45 «Уч мушкетер». М/ф.
17.50 «Анонс».
17.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигиниг 18 йиллигига: «Сўз сизга».
18.35 «Тошкент-2200».
18.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигиниг 18 йиллигига: «Фаровонлик бекати».
18.55 «Нима учун?»
19.35 «Телекурьер-маркет».
19.55 «Анонс».
20.00 Кинотақдим».
20.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига: «Тошкент оқшомлари».
20.55 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига: «Туризм ҳақида». /рус/
21.25- 00.00 «Кино SMS со звёздами». «Первый рыцарь». «Робин Гуд принц воров». «Храброе сердце».

### SPORT

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб тил)
10.25 «ГОЛ».
11.25 «Аёл ифори».
12.05-13.05 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
***
18.00 «Клоун Кири». Мультфильм.
**18.05 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги: «Тошкент – спорт шаҳри».**
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
**18.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига:**
**«Ўзбек спортининг 18 фасли».**
19.20 «Военное дело».
19.40 «Спорт – менинг ҳаётим».
20.10 Теннис. АҚШ очиқ чемпионати.
21.05 «АВТОграф».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
**21.55 Футбол. Италия чемпионати. Милан –Интер.**
23.30 «Профринг».
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!»

### TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Поцелуй на удачу» х/ф
13.10 Ўзбек наволари
15.00 «ЛАВКА ЧУДЕС» худ.фильм
16.40 Ўзбек наволари
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ХЭНКОК» худ.фильм
23.35 Миксер

### ntt

04:05 Барҳаёт наволар
04:25 "Зиё" студияси
05:00 "Буни ҳаёт дейдилар"
05:30 Барҳаёт наволар
06:00 "Яхши кайфият"
06:30 "Асрлар садоси"
07:00 "Улуғимсан, Ватаним!"
07:30 "Келгинди куёв" б/ф
09:35 Экран хандаси
10:20 "Муштарак манзил"
10:35 "Дийдор ширин"
11:35 **"Сукунат туғёнлари"**
12:00 **"Йўқотилган йиллар" т/с**
14:00 "ҲУДУД"
14:30 **"Юксаклик" б/ф** (Ҳинд)
17:00 "Янги авлод"
18:00 "Асрлар садоси"
18:30 "Тарона"
19:00 "Зиё" студияси
19:25 "Буни ҳаёт дейдилар"
20:00 "Сўғдиёна"
20:15 Юрт мадҳи
20:30 "Парламент соати"
20:50 "Обид-А" театри
21:30 "Якшанбада яхши дам"
22:00 "Соддадил жаноб" б/ф

### СофТС

08:00 Музыка
09:00 «Мир в твоей тарелке»
09:25 «Дом с мезонином»
09:50 «Декоративные страсти»
10:15 «Полевые работы»
11:05 «Иностранная кухня»
11:30 «Жизнь прекрасна»
13:10 «Самый умный»
14:45 «Истории в деталях. Спецвыпуск»
15:15 «Галилео. Дайджест»
16:05 Сериал «Папины дочки»
17:15 Сериал «Рыжая» (5 серий)
21:30 «Истории в деталях. Дайджест»
21:55 «6 кадров»
22:20 Музыка

### ОРТ

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 Гении и злодеи
05.40 Худ. фильм «Один шанс из тысячи»
07.05 Смак
07.45 Армейский магазин
08.15 «Играй, гармонь любимая!»
09.20 «Непутевые заметки»
09.35, 02.45 «Пока все дома»
10.20 Фазенда
11.10 «Сокровище нации»
12.10 «Рецепт счастья»
12.55 Худ. фильм «Танкер «Танго»
15.05 Розыгрыш. Лучшее
16.00 Худ. фильм «Ночь в музее»
17.50 Футбол. XX тур. «Спартак» - «Рубин»
20.00 «Время»
20.20 «Большая разница»
21.25 Худ. фильм «Певец»
23.25 Худ. фильм «Золотой лед»
01.10 Худ. фильм «Инкогнито из Петербурга»



**Ҳурматли БАҲОДИРХЎЖА!**

Таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Оилавий бахт, тани-сиҳатлик ва ишларингизда муваффақият, ширин-шакар фарзандлар тилаймиз.

Сайдолимовлар оиласи.



**Ҳурматли ОНАЖОН!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Сизга оилавий хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳамиша юзингиз ёруғ бўлсин.

Оила аъзоларингиз.

**Азиз фарзандимиз Моҳигул РАҲМАТОВА!**

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами арафасида таваллуд топган кунинг билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ижодий ишларингга муваффақият, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Отанг Умар Бўронов,
Қашқадарё вилояти, Талимаржон шаҳарчаси.

Тошкент шаҳри Миробод тумани Давлат солиқ инспекциясидан 19658-сон, 008909 рақами билан рўйхатдан ўтган Одилхўжаев кўчаси, 2-уй, 16-хонадонда жойлашган **«НУР-ТАЛ»** хусусий фирмаси ўз фаолиятини тўхтатади. Даъволар 1 ой давомида **254-34-36** тел. орқали қабул қилинади.


**«УМИД ВА ИШОНЧ»** Лиц. № 2677

**Тиббиёт маркази қуйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:**

- Терапевт-кардиолог
- Невропатолог (болалар ва катталар)
- Оғиз бўшлиғи, қулоқ, томоқ (ЛОР)
- Уролог, гинеколог
- Лаборатория
- ИФА методика (хламидиоз, уреоплазма, ЦМВ, герпес, Т3, Т4, ТТГ, пролактин, прогестерон, ФСГ, ЛГ, тестостерон)

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш. Бешёғоч даҳаси, 1-уй.
**МЎЛЖАЛ:** «Истиқлол» санъат саройи, Банклар ассоциацияси.
**Мурожаат учун телефон:** 245-07-42; 245-07-72

# ПУЛГА ЎРГАНГАН ФАРЗАНД

Ҳозирги замон болаларига қойил қоламан. Кичкина қизим энди уч ёшга қадам қўйди. Ўзи жимитдеккина-ю, пулнинг нима эканлигини билади. Ишдан қайтишимда олдимга югуриб чиқади. Тили жуда бийрон.

— Дада, менга нима олиб келдингиз? — деб қўлчасини чўзади.

Унинг мана шу одатини билганим учун ҳам йўл-йўлакай бирон нарса харид қилиб чўнтагимга солиб қўйган бўламан. Лекин дарров қўлига тутқазмайман. Бироз гапиртириб, сўзларини эши-



тиб роҳатланаман. Чарчоғим ёзилади. Хотиним эса буни тушунмайди.

— Бўлди, дадаси, сиз ҳам ёш болага қўшилиб ёш бола бўлманг, — дейди норози оҳангда. — Уни қийнаб юбордингиз. Ўзи боятдан бери “дадам қачон келади?” деб қулоқ-миямни еб ўтирганди. Берадиганингизни беринг, ўзи билан ўзи андармон бўлсин.

Мабодо хотирам паришон бўлиб, қуруқ чўнтак билан уйга келсам, қизим хархашани бошлайди:

— Пул беринг, акам иккимиз шоколад олиб келамиз. Биттамас, иккита пул берасиз.

— Болани пулга ўргатманг. Уйда ҳамма нарса бор, — ошхонадами, аллақаерда куймаланаётган хотинимнинг яна овози эшитилади. — Ҳозирдан ўрганса, оқибати яхши бўлмайди. Улғайгач, бошингизга чиқиб олади.

Хотиннинг насиҳати малол келадиган эркаклар тоифасиданман. Шунинг учунми, “Мен ким учун ишлаб, пул топиб келаяпман, мана шу болаларим учун-ку?!” дейман овозимни баландлатиб.

Эсимда, у пайтда кичкина қизим икки ёшда эди. Бир куни синаб кўрмоқчи бўлдим. Бир қўлимга оддий қоғоз парчасини, иккинчи қўлимга пулни ушлаб, баравар тутқаздим. Шунда нима қилди денг, қизим ҳеч иккиланмай пулни олди.

— Қойил-э, ҳозирги болалар она сути оғзидан кетмасидан пул билан қоғознинг фарқига боришади-я,—деб роса кулгандим.

Очиғини айтай, ўзимнинг болалигим у қадар тўкин-сочинликда ўтмаган. Отам оддий ишчи, онам уй бекаси эди. Очнаҳор, кийим-кечаксиз қолмаган бўлсам-да, то мактабни битирмагунимча қўлимга қоғоз пулни ушлаганимни эслолмайман. Отам мактаб ошхонасидан улбул олиб ейишим учун танга берарди, холос. Ўша давр болалари ота-онамиз қандай кийим олиб берса, индамай кийиб кетаверардик. “Униси менга ёқмади, буниси менга мос эмас”, деб айтмасдик.

Ҳозиргилар-чи? Кийинишдан бир-бирини кўриб турланади. Пулга бўлган муносабатидан ақлингиз шошади.

— Ўғлим билан укаси ҳар куни мактабдан келганидан кейин кўчага чиқиб кетиб, кечгача уч-тўрт минг топиб келади,—деб қолди бир таниш аёл.

Болаларини кўрганман. Адашмасам, каттаси 6-синфда, кичиги 4-синфда ўқишади. “Улар қандай қилиб пул топишлари мумкин?” деб ҳайрон бўлдим ва бу савол тилимга кўчди.

— Э, болалар нима ҳам қилишарди,—деди аёл бироз хижолат тортиб. — Макулатура тўплашади. Қоғоз, баклашка деганларидан...

— Наҳотки, уларга шу ишни қилишга рухсат бериб қўйган бўлсангиз? — деб яна сўрадим.

— Бу ишлари яхши эмаслигини ўзларига неча марта айтганман. Қулоқ солишмайди.

✓ МУЛОҲАЗА

Пулга ўрганиб қолишган. Болаларим ўртоқларининг юриш-туришини кўриб, ҳавас қилишади. Ҳарна топган пулларини ўзларига ишлатишади, — деб аёл ўзини оқлади.

Ҳа, бозору кўча-куйларда тирикчилик ташвишида юрган болаларни кўраверид, кўзимиз ҳам ўрганиб қолди. “Тирикчиликнинг айби йўқ. Безорилик, ўғирлик қилишмаётган бўлишса, ёшликдан меҳнатга ўрганишса,



ота-онасига ёрдами тегса, бунинг нимаси ёмон» деймиз.

“Айни ўқиб-ўрганишлари, касб-ҳунар эгаллашлари лозим бўлган даврларида нега улар бу кўйга тушиб қолишган?” деган саволни ўзимизга беришни истамаймиз. Ўша болаларнинг ота-оналари ўзи ўтирган дарахт шохини ўзи арралаётган одамга ўхшамайдими?

Болангиз вақтида болалик қувончларидан баҳраманд бўлолмаса, вақтида ўқиб-ўрганмаса, вақтида касб-ҳунар эгалламаса, бунинг учун сиз жон куйдирмасангиз, эртага уларнинг келажаги нима бўлади? Ахир бир умр бозорда нон ёки бекатда писта сотиш билан шуғулланишмайди-ку?

Бундан ташқари, бола пулга, пул топишга ўргандими, ҳаётга бошқача кўз билан қарайди. Ёшига нисбатан тез улғайиб қолади. Пулнинг куч-қудрати нималарга қодир эканлигини тушунгач, бола-барибир бола-да — кўнгли бошқа нарсаларни тусаб қолмаслигига ким кафолат бера олади?!.

**Суюндик МАМИРОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири**

# МИТТИ ЮРАК МЕҲРИ

Яқин қариндошлардан бири шаҳарга кўчиб келди. Шу куниёқ ёрдамлашиш учун уларникига бордим. Зиналардан кўтариларканман, ёш боланинг чинқириб йиғлаётган овози тобора кучайиб борарди. Тахминим тўғри чиқди – бу жиянимнинг ўғилчаси экан. Икки-икки ярим ёшлардаги бола ер тепиниб йиғларди. Эр-хотин уни овутиш билан овора. Ҳар бирининг қўлида ширинлигу, ўйинчоқлар. Қани энди болакай буларга кўнса. Эшик ланг очиқ, менинг келганимни сезишмади ҳам.

✓ ҚАТРА

— Энамда тетаман, — дерди чучук тиллари билан бола.

— Хўп, йиғламагин, албатта, борамиз, — ёлворарди онаси унга. Сўнг мени кўриб, хижолат тортди:

— Кўрмайсизми буни, ҳеч бу ерга кўниколмаяпти. Нима қилишга бошимиз қотди, — деди.

Ичкари томон икки қадам босиб, одатга кўра эшикни ёпишимни биламан, болакай яна ташқарини кўрсатиб, баттар чинқиришга тушди. Ҳайрон бўлдим.

— Эшикни ёпгани қўймаяпти, — изоҳ берди онаси.

— Менга қара, эшик очиқ турса, ўғри кириши мумкин. Ўғри кимлигини биласанми? — болани алдашга тушдим. Ахир оқшом тушиб бораяпти. Бегона шаҳар бўлса.

Сўроғимга жавобан бола бошини сарак-сарак қилди. Унга ўғриларни «чиройли» қилиб тасвирлаб бердим.

— Энди эшикни ёпамиз, хўпми?

— Йўқ!

— Нега? Ахир мен ҳозиргина нималар дедим сенга?

— Байибий очип тўйинг!..

Она «уф» тортди, дада бўлмиш инжиқлиги ҳаддан ошган болакайга дўқ-пўписа қилишга тушди.

— Энамми уйидақа очиқ туйсин!

Бу кўнгли «пошшо» боланинг қатъий талаби эди! Шундагина англадим: унинг кенгликларга ўрганган юраги тўрт девор ичига сиғмаяпти, кўз очган ҳовлисини шу қадар қўмсаяптики...

Қанийди, ҳар бир инсон юраги шу митти гўдак юракчаси каби садоқат билан урса! Туғилган заминига шу гўдакчалик меҳр қўёлса!..

**ШАҲЛО**

✓ ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

# ҚАСАМИНИ УНУТГАН ШИФОКОР

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро А.К.Маликовнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) аризаси юзасидан 2009 йилнинг 18 июль куни Республика онкология илмий марказида тезкор тадбир ўтказишди.

Текширув натижасида, ушбу марказнинг абдоминал бўлими шифокор-ординатори Диёржон Келдиев ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда муллкий манфаат кўриш йўлида фуқаро А.Маликовдан 900 АҚШ доллари миқдорида пора олишни режа қилган. Ўша куни Маликовнинг турмуш ўртоғи Г.Маликова ўнг томонлама «адренол эктомия» номли операция қилиниши лозим эди. Барча ишларни бажариб бўлинганидан сўнг шифокор мақсадга кўчди ва Маликовдан аввал ишлов берилган 900 долларни қуртдай санаб олди.

Воқеа жойида қўлга тушган Келдиев айбига тўла иқрор бўлди. Меҳнати билан беморларнинг ҳаётига қувонч олиб кириш ўрнига улардан пул талаб қилган шифокор қилган ишидан минг пушаймон. Аммо энди бунинг фойдаси йўқ. Оқ халатига қора доғ туширган О.Келдиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 214-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

**Аъзам НОРБЎТАЕВ,**
**Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Тошкент шаҳар Бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими катта инспектори.**

# «МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР»

«Газ 330210» русумдаги автомашина пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Мироқилова кўчасига келиб тўхтаганида ҳали кун ботмаган, кечки соат 17 лар атрофи эди. Ҳайдовчи Д.Дадажонов манзилга етиб келганидан хурсанд бўлиб, юкларни туширишга ҳозирланди...

Бу пайтда Б.Омоновнинг аризасига кўра рейд уюштираётган Департаментнинг Тошкент шаҳар Яккасарой туман тезкор ходимлари пайдо бўлишди ва автомашина юкхонасини очишни ва у ердаги маҳсулотлар учун тегишли ҳужжатларни талаб қилишди.

Текширувда маълум бўлишича, автомашинадаги 17 дона «Беко» маркали Туркияда ишлаб чиқарилган уй-жой жиҳозлари якка тартибдаги тадбиркор Ж.Худойбергановга тегишли бўлиб, у мазкур маҳсулотларни сотишда савдо қоидаларини била туриб бузган. Яъни, Худойберганов Б.Омонов билан келишган ҳолда солиқ солинадиган даромадни қасддан яшириб, уй-жой маҳсулотларини 11.769.000 сўмга баҳолаган ва 8500 АҚШ долларига сотишга қарор қилган. Аммо унинг нияти амалга ошмади.

Жиноят жазосиз қолмайди. Энди якка тартибдаги тадбиркор Ж.Худойберганов қилмиши учун қонун олдида жавоб беради.

**Маъмуржон БЕГМАТОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими бошлиғи.**


AK STAR VERDI «МАРҒУБА» САЛОНИ

*5000 хилдаги «ЭЛИТА» услубидаги пардалар, Ҳар хил турдаги келин кўйлаклари тикамиз (ижарага ҳам берилади).*

- *Сартарошхона,*
- *Соч турмаклари,*
- *Макияж,*
- *Маникюр,*
- *Педикюр хизматлари кўрсатилади.*
- *Таклифномалар, визиткалар тайёрланади.*




**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний 1-Б, 2-уй, 7-секция.
**Мўлжал:** «Тинчлик» метроси.
**Мурожаат учун телефонлар:** 242-86-30, 537-77-73, 170-70-50.

АСР ВАБОСИ

# ГИЁҲВАНД ТУШГАН ТУЗОҚ



**БИРИНЧИ ҲОЛАТ**

Шаҳар наркология диспансери шифокори ҳузурида ўтирарканман, юзида хадик ва хавотир аралаш бир аёл кириб келди. Унинг бу ерга биринчи марта келганлиги кўриниб турарди. Башанг кийиниб, қўллари-ю бўйнига тилла тақинчоқлар таққан, ўзига анчагина тўқ аёлнинг негадир ҳаловати йўқ эди. Аёл муддаога ўтишдан олдин мен томонга бир қараб қўйди. Мижозининг бегона одам олдида дардини айтолмаётганини сезган шифокор:

— Мақсадингизни тортинмай айтаверинг, бу ерга келадиганларнинг ҳаммасини дарди бир, — дея менга кўз қисиб қўйди.

— Якка-ю ёлғиз ўғлим кейинги вақтлар ўзгариб қолди. Гоҳ индамас, гоҳ ҳаддан ташқари сергап, баъзан умуман иштаҳаси йўқ. Кейин билсам шу балога йўлиқибди. Сизлардан маслаҳат сўраш учун минг истиҳола билан келдим бу ерга...

— Фарзандингиз шу аҳволга тушиб қолгунича наҳот унинг юриш-туришини назорат қилмадингиз? Ўғлингиз гиёҳванд моддаларга пулни қаердан олган, унинг ўртоқлари ким, бўш вақтини қандай ўтказаяпти, ҳеч қизиқиб кўрганмисиз?

— Отаси билан мен эртаю кеч бозордамиз, савдо билан шуғулланамиз. Хўжайиним «ўғлим пулга қизиқсин» деб унга аямасдан пул берарди. У эса берганимизни истаганча совурарди. Атрофидаги ўртоқларининг ҳам ота-оналари топармон-тутармон. Ўғилларига 16 ёшидан машина олиб берганлар ҳам бор. Шуларга қўшилиб, ёмон йўлга кириб кетдими дейман. Бу касалликни даволаб бўлмайди, деб эшитганман. Наҳотки, энди ўғлим тузалмаса? Аёл охирги жумлаларни айтаётганида оғир хўрсинди, кейин кўзига ёш олди.

— Опажон, сиз ваҳимага берилаверманг. Олдин ўғлингизни олиб келинг, текшириб кўрайлик, кейин биргалашиб ҳал қиламиз...

* * *

Бу ҳақда Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори Зафар Отабоевга мурожаат қилганимизда бизни қизиқтирган баъзи саволларга жавоб олдик.

**— Гиёҳвандлик гирдобига кимлар осон илинади? Бу ўша инсонларнинг тарбияси билан боғлиқми ёки характерининг қай жиҳатдан шаклланганми?**

— Гиёҳвандлик тузоғига кўпроқ иродаси бўш одамлар илинади. «Иродаси бўш одам» деганда тарбияси ёки хулқи ёмон деганди эмас. Бундан ташқари гиёҳванд, ичувчи, чекувчи одамларнинг тез енгилишига ўша беморнинг ёшлигида мияси жароҳатланганлиги, чайқалганлиги, ота ё онаси ичувчи ёки чекувчи бўлган-бўлмаганлиги, қариндош-уруғлари орасида гиёҳвандлик бор-йўқлиги, болалигида кўп касалликка чалинганлиги, она ҳомиладорлигида кечирган «бошқоронғи»си, юқумли ва оғир сурункали касалликлар шулар жумласидандир. Бундай касалликларнинг бирортасига чалинмаганлар ҳам бу гирдобга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Ўқиш, ишдаги омадсизлик, оиланинг бадастир эмаслиги, ўзига ишонмаслик, отаси ёки онасининг руҳий хасталиги, айни балоғат ёшида боланинг руҳан ёлғизлиги, отасининг беписандларча муносабатда бўлиши, ота-онанинг у билан самимий суҳбатлашишига вақт тополмаслиги, ўзи ёқтирган одамдан мажбуран ажралиш ҳам гиёҳванд моддаларга ўрганишга олиб келади.

**— Гиёҳванднинг келажаги... борми? Бемор вақтида бу дарддан халос бўлмаса, унинг салбий оқибатлари қандай кечади?**

— Бу касалликка чалинган одамнинг келажаги нурсиз. У ўзлигини йўқотади. Қариндош-уруғлари, саломатлигидан айрилади. Маънавий оламида бўшлиқ пайдо бўлади. Руҳий жиҳатдан заиф ёки телба бўлиб қолади. Энг даҳшатлиси, гиёҳванд нафақат ўзини, балки қариндош уруғларини ҳам қийнайди, оромини, тинчлигини ўғирлайди. Бу гирдобга тушган одам турли жиноятларга қўл уради.

**— Донишмандларимизнинг «Соғайишни исташнинг ўзи ярим соғайиш» деган ҳикматли гапи бор. Баъзилар бу касалликни даволаб бўлмайди дейишади...**

— Бу ҳикматли гап ҳали ҳам эскиргани йўқ. Фақат тезлик ошиб кетган айни пайтда ҳар қандай кечикиш ҳалокат билан тугаши мумкин. Бу хасталикни гиёҳванд юқтириб олмайди ёки ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Балки ҳаётига енгил-елпи қараш, осонгина пул топиш, бир лаҳзалик ҳузур-ҳаловатни ўйлаш орқали бемор бу тузоққа осонгина илинади. Тажрибалардан маълумки, гиёҳванднинг умри жуда қисқа. Лекин бемор ҳар олти ойда диспансерга келиб даволаниб турса аввалгидек ишига, осуда ҳаётига қайтишга ишонса бўлади. Фақат бунинг битта шарти бор: Бемор тузалиши учун аввалambор унинг ўзига ишончи кучли ва иродали бўлиши керак.

**— Кўпчилик ота-оналар фарзанди шу касалликка чалинганидан кеч хабардор бўладилар. Ҳақиқий аҳвол маълум бўлгач эса негадир энг аввало болани жазолаш йўлларини излашади: яъни уларни уй қамоғида сақлайди, дўстлари билан алоқасини узиб қўяди, ҳатто боғлаб ташлашади...**

— Аввалambор ота-она фарзанди вояга етгач, боланинг ҳар бир ҳолатини унинг ўзига билдирмай кузатиб юриши керак. Ҳадеб тергайвериш ҳам ўсмир-ёшларнинг иззат-нафсига тегади. Лекин шуни унутмаслик керакки, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган шахснинг хулқ-атворида энг аввало қуйидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин: кайфияти кўтарилади, сергап бўлиб қолади. Бир мавзуни тугатмасдан, иккинчисига ўтиб кетади. Кўз қорачиқлари кенгаяди, овози йўғонлашади, кўп терлайди, гапини тушуниш қийин бўлади. Унинг хонасидан шприц ёки таги қорайган қошиқлар, найча қилиб ўралган қоғозлар чиқади. Ҳожатхонада узоқ ушланиб қолади. Фарзандида ана шундай белгилар кузатилганда, ота-оналар ваҳимага тушмасдан, муроса йўли билан суҳбатлашиши керак. Бу масалада фақат шу соҳа мутахассислари билан эмас балки руҳшунослар билан ҳам маслаҳатлашиш керак. Агар шахснинг яшаётган муҳити шу нарсага сабаб бўлса, уни ўша дўстларидан ажратиш, ҳатто уй-жойини алмаштириш керак. Чунки гиёҳванд тузалиб кетгач, яна ўша муҳитда, яна ўша танишлар, яна ўша шароит унинг қайтадан гиёҳванд модда истеъмол қилишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда бу хасталикнинг қурбонлари кўпроқ 24-36 ёшдагилардир. Аммо яна бир ачинарли ҳолат — эндиликда бу хасталикка ҳатто 15-18 ёшдагиларнинг ҳам чалинаётганлигидир. Чунки ҳамма нарсага қизиқувчан бундай ёшларни қармоққа илинтириш осон. Гиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланадиганлар бу оғуни ёшларга дастлаб текинга тарқатадилар. Кейинчалик зормандага ўргангач, улар унинг ўзлари излаб боришади. Баъзан эса ёшлар «бир марта мазасини татиб кўрсам, кейин ҳеч қачон истеъмол қилмайман» деб ўйлашади. Лекин бу гирдобга тушган одамнинг қутулиб кетиши қийин. Бир марталик қизиқиш кейинчалик унинг аччиқ азобларига айланади.

**ИККИНЧИ ҲОЛАТ**

Шифокор ҳузурига кириш учун навбат кутиб ўтирганимда яна бир аёл билан танишиб қолгандим. Ундайлардан гап олиш учун ўзингизни улар билан дарди бирдек қилиб кўрсатишингиз керак бўлади. Ана шу мақсадда секин гап бошладим:

— Бу балодан қандай қутулса бўларкин-а, — дедим ўзимни ниҳоятда жабрланган қилиб кўрсатиб.

— Шифокорга аввал ҳам келганмисиз? Кимингиз касал? — деди аёл ҳам астойдил. Чунки аёлнинг ҳам анчагина азият чеккани кўриниб турарди.

— Холам, холамнинг ўғли, — дедим мен жавоб топа олганимга хурсанд бўлиб.

— Ҳа, бу ёмон бало экан, — деди янги танишим, кейин ўғлининг бу йўлга қандай кириб қолганини яшириб ўтирмади. — Кимга ёмонлик қилсангиз барибир бир кун қайтар экан. Унда болаларим кичкина эди. Турмуш ўртоғим шу савилни сотарди. Кейин қўлга тушиб, қамалиб кетди. Қамалмасидан олдин худонинг зорини қилдим: «Сотманг, одамлар қарғайди, болаларнинг умрига зомин бўлманг», деб зор қақшадим. Эрим бўлса «мен уларга «сотиб ол» деб мажбур қилаяпманми? Кимларнингдир ҳожатини чиқаряпман, холос» деб менга қулоқ солмади. Ўшанда ўғлим отаси сотаётганда оз-оз татиб ўрганган шекилли, энди ашаддий гиёҳванд. Эрим орттирган барча нарсалар ўзига кетди. Уйда қолган нарсаларни ўғлим сотиб, шу зормандасига ишлатди. Охири бўлмади — шу ерга олиб келдим. Унинг аҳволини кўриб, оғуни етиштирганни ҳам, сотаётганни ҳам ер муштлаб қарғайман. Демак, кимлардир бизни ҳам шундай қарғаган. Ана шу қарғишлар боламга урди...

Шу ерда суҳбатимиз узилди. Чунки шифокорнинг ҳузурига кириш учун навбатим келган эди...

**ХОТИМА**

**Гиёҳвандлик том маънода нафақат бир аср, балки ўнлаб асрларга татувчи вабодир. Унинг тузоғига қанча кўп киши илинса, уни тайёрловчи ва тарқатувчи кишиларнинг чўнтагига ҳам шунча кўп пул тушади. Жабрланганлар эса доимо оддий одамлар бўлиб қолаверади. Зеро, юқумли, ўткир хавфли касалликларни юқтириб олувчилар ҳам, юқтирадиганлар ҳам гиёҳвандлар ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, Ғарб мамлакатларида ОИТС билан оғриганларнинг аксарияти гиёҳвандлар экан. Бу даҳшат. Зеро, биз ҳаммамиз бир сайёрада яшаётганимизни унутмаслигимиз керак.**

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

МУНОСАБАТ

# ЖАФО ЧЕТДАН КЕЛМАЙДИ

## *“Хатолар жабрини ким тортади?”— 32 сон*

Саккиз нафар фарзанди бор бир оилани биламан. Лекин тўнғич ўғли ногирон туғилган. Ҳамқишлоқларимнинг айтишларича, эр-хотин ўттиз йилдан бери ана шу йигитни опичлаб юраркан. Ҳозир деярли ҳамма фарзандлари уйли-жойли бўлиб кетишган. Афсуски, ярим жон болани ўзларидан бошқа ҳеч кимга ишониб ташлаб кетолмасликлари учунми, қишлоқда ўтадиган тўй-маъракаларга ҳам деярли қатнашолмас экан. Иккаласи ҳам жуда асабий бўлиб қолишган. Кейин эшитсам, улар энг яқин қариндошларнинг фарзандлари экан. Оқибатини кўриб турибсиз...

Ушбу мақолада жиддий хавотир билан тилга олинган ҳолатлар учун фақат тиббиётчилар ёки ногирон фарзандларини тарбиялаётган ота-оналаргина эмас, аксинча, ҳаммамиз, сиз ҳам, мен ҳам, маҳалла-кўй ва кенг жамоатчилик ҳам жавобгармиз. Оддий мисол: Ўғил уйлантираётган ёки қиз чиқараётган оила келин ёки куёвни обдон суриштириб, халқона айтганда, "етти ўлчаб, бир кесса" ҳеч бир бир хижолатлик жойи йўқ-ку! Хўш, нега тўй кунлари арзимаган мато ёки тилла тақинчоқ учун талашиб-тортишамизу, фарзандимизнинг эртанги бахти учун курашмаймиз?

Энг ёмони, эркаклар қолиб, энди аёллар совчилик қилишга ўтиб кетди. Барибир эркак аралашмаган иш менинг назаримда яхши "пишмайди". Айниқса, юқорида келтирилган мақоладаги воқеа ва мисоллар бизларга сабоқ бўлиши керак. Албатта, ҳеч ким фарзандим ногирон бўлиб туғилсин, деган ниятда турмуш қурмайди, ўз навбатида бирор ота-она ҳам ўз боласига.бундай балони раво кўрмайди. Лекин унутмайлик, бир хато ўн хатони, керак бўлса юз хатони бошлаб келади.

**...Кеча қўлимга тўйхат тутқазиб кетишди: Ўқиб кўрсам, ўша — мен билган оиланинг невараси уйланаётган экан. Энг даҳшатлиси, бир умр ногирон боласи билан баб-баравар азоб тортиб келаётган чол-кампирнинг фарзандлари — ака-сингил қуда бўлишаётган экан! Бунисига энди нима дейсиз?**

**Майрам ШАРОПОВА**

*ЖУРНАЛИСТ КУЗАТУВИ*

# БОЗОР БАҲОНА БЎЛМАСИН



Бир куни пойтахтнинг одатда биз "Отчопар" деб атайдиган Чилонзор буюм бозорига бордим. Ўзимга пойабзал сотиб олишни баҳона қилиб, расталардан бирига яқинлашдим. 20-23 ёшлардаги йигит савдо қилаётган экан. Мен бир туфлини қўлимга олиб нархини сўрадим. Бозорнинг ўз қонун-қоидалари бор. Харидор сотувчи билан тортишади. То ҳар икки томонни қониқтирувчи нархга келишмагунча савдолашиш давом этади.

Одатдаги ҳолат: сотувчи йигит айтган нархдан паст сўрай бошладим. У бироз тушди. Мен «бўладигани»ни сўрадим.

— Ака, тўғрисини айтсам, сиз ҳозир туфлининг ўз нархини айтдингиз. Устига уч минг қўшиб беринг, майли.

Бош чайқадим.

— Олсангиз шу, бўлмаса, майли, ана бозор, айланиб чиқинг, – деди у.

Мен кўп тортишмадим. "Начора, бор пулим шу эди. Агар берсангиз, олиб кетай, сизни дуо қилиб юраман" дедим. У ўз вазиятини тушунтиришга уринди, эрта тонгдан кечгача тик оёқда туришини, меҳнат, ижара ҳақини чиқариб олиши кераклигини айтди.

Мен бироз нари юриб сўнг туфли роса ёқиб қолган каби секин яна изимга қайтдим. Уни кўндиришга қайтадан уриндим. Аммо у туфлини ўз нархига бериб юборишдан ҳеч бир наф кўрмаслигини, бусиз ҳам бозори юришмай турганини айтиб, мен билан ортиқча пачакилашиб ўтирмади.

Мен унга радиода ишлашимни, истаса, унинг бирор яқинига табрик йўллашим мумкинлигини айтдим. У менга бунақа нарсалар қизиқтирмаслигини айтди. Шунда мен унга қараб туриб: "Сиз маънавиятсиз одам экансиз-ку!" деб юбордим. Бу гапим унга қаттиқ таъсир қилди. Мендан хафа бўлиб, "нега ҳақорат қиласиз", дея ўпкалади. "Сиз худбин, яъни фақат ўзини ўйлайдиган одамга айланиб бораяпсиз. Бу билимсизликдан, жоҳилликдан пайдо бўлади. Қани, айтинг-чи, оилангизда ака-ука, опа-сингилларингиз борми?"

— Бор, — деди у.

— Улардан бирортасининг туғилган куни қачонлигини биласизми? - дея сўрадим.

У дабдурустдан берилган саволимга бунчалик довдираб қолади, деб ўйламагандим. Ростдан ҳам яқинларининг туғилган кунларини эслай олмади. "Ака, — деди бироз жаҳл аралаш. — Бизда туғилган кунни нишонлаш анъана эмас. Унақа нарсаларга қизиқмаймиз".

— Сиз яна ўзингизни ўйлаяпсиз. Ахир оилангиздаги бошқа инсонлар номидан ишонч билан гапириши нотўғри. Майли, яқинларингизнинг туғилган кунларини эслай олмас экансиз, балки улардан бирининг ҳаётида яқинда бахтли бир воқеа содир бўлгандир, кимдир фарзанд кўргандир, кимнингдир тўйи бўлиши керакдир...

Менинг бу сўзларимдан йигит бир қадар сергак тортди.

— Ака, ростдан ҳам шу ҳафта сўнггида синглимнинг тўйи бўлиши керак.

— Сиз эса ака бўлиб унга совға олишга ҳалиям шошилмаяпсиз.

У бироз хижолатлик билан деди:

— Аммо мен қандай қилиб синглимни тўйи билан табриклайман?

— Тўғри, миллий руҳиятимиз тақозосига кўра, ака синглисининг никоҳ тўйи билан радио орқали очиқдан-очиқ табриклаши ноқулай, — дедим ва сўзимда давом этдим. — Сиз синглингизга онангиз ёки опаларингиз номидан табрик йўлланг. У албатта хурсанд бўлади.

— Ҳа-я, буниси хаёлимга ҳам келмабди, — дея у янада қизиқа бошлади.

— Мен ундан оиласининг манзилини, синглиси ва бўлажак куёвнинг исмларини ёзиб олдим. "Энди онангизнинг номидан табрик сўзларини айтинг", - дедим.

— Мен... билмасам, нима дейман...

— Ахир, манави харидорларга товарларингизни мақтаб, жуда чиройли гапларни айтаяпсиз-ку, наҳотки, ўз синглингизга бир оғиз ширин сўз айтиб, табриклолмасангиз?

Энди, йигит ўзининг билимсизлигини ошкора тан ола бошлади. Уни бу вазиятдан яна ўзим қутқардим. Мен унинг синглисига онаси номидан дил сўзлари ёза бошладим. Ёзган тилакларим йигитга шу қадар манзур бўлдики, у менга гўё энг яқин одамини кўриб тургандек тикиларди. Сўнг бир ўқимишли дўсти синглисининг туғилган кунида жуда чиройли сўзларни гапиргани, синглисининг кўзлари қувончдан, меҳрдан қанчалик порлаб турганини кўз олдига келганини айтди.

"Табрикни фалон куни, тўйдан бир кун олдин эфирга берамиз", дедим. У маъқуллади ва қутлов нархини сўради. "Ана, кўрдингизми, сиз яна савдолашишга тушдингиз, — дея эътироз билдира кетдим. — Биламан, ҳозир беш минг бўлади десам, шу пулни берасиз ёки тортишиб нархини бироз туширасиз. Йўқ, ука, табрик учун сиздан бир тийин ҳам керакмас. Синглингиз, оилангиздагилар хурсанд бўлишса, буни сиз қилганингизни билишса, шунинг ўзи кифоя. Сиз эса жоҳил бўлманг, ҳамма нарсани пулга чақиб, вақтни беҳуда ўтказманг. Бозордан ташқарида ҳам жуда катта ва ранг-баранг олам борлигини унутманг".

Шундай дея секин кета бошладим. У менга ёққан ҳалиги туфлини олиб ортимдан юрди. "Ака, манави туфлини, ҳали ўзингиз айтган нархда олақолинг", деди. Мен йўқ дедим. У нархини янада пастроқ тушириб айтди. "Текин берсангиз ҳам олмайман, гап битта. Ахир, ука, сиз шу кунларда тўй қилаётган оиладан экансиз. Харажатларингиз кўп. Тирикчилигингизга зарар етмасин. Мен кейинги ҳафта келиб, албатта сиздан туфли сотиб оламан", — дедим-да, бозордан чиқиб кетдим.

Ҳафта охирида, синглисининг тўйи арафасида мен радио тўлқинлари орқали ҳалиги табрикни бериб юбордим. Билмадим, йигит ёки унинг оиласи бу қутловни эшитишдими-йўқми, аммо «бозор одами» бўлиб қолган бу йигит шу кундан бошлаб бутунлай бошқа яъни ўз яқинларига меҳрибон инсонга айланганига ишоняпман.

**Қувондиқ СИДДИҚ**

*СИР-СИНОАТ*



# ЖУФТ ТУҒИЛГАНЛАР ЖУМБОҒИ

Одамнинг маймундан пайдо бўлганлиги тўғрисидаги назарияси билан оламни неча юз йиллардан буён ҳайратга, мавҳумлик ва иккиланишларга солиб келган Чарльз Дарвин шундай деган экан: «Менга ҳеч нарса эгизакларнинг ўзаро ўхшашлиги ва ўхшамаслигидан кўра қизиқ туюлмаган»

Ҳақиқатан ҳам, эгизакларнинг дунёга келиши ҳали ҳамон бир мўъжизадек қабул қилинади. Уларнинг нафақат бир она жисмида бир пайтда бино бўлиб, бир вақтда кетма-кет туғилиши, балки феъл-атворлари-ю, босиб ўтажак ҳаёт йўллари, чалинадиган касаллик турлари-ю, диддлари, қарашлари ва ҳоказоларининг бир хил бўлиши энди ҳеч кимга ғайритабиий туюлмайди ҳам. Аммо барибир уларнинг дунёга келишида қандайдир сирли жиҳатлар бордек. Гўё биз эгизаклик ҳақида ҳар қанча кўп билмайлик, яна нималардир биз учун жумбоқдек. Хўш, нега?

**ОЛАМ ВА РАҚАМ**

Дунё бўйича ҳисоб-китобларга кўра, 70–100 миллионгача эгизаклар бор. Буни шунчаки статистика дейишимиз мумкиндир, лекин ана шу 100 миллион эгизаклар орасида умумий бўлган яна бир жумбоқ бор. Қизиғи шундаки, 87 та оддий туғруқларнинг ҳар бирига битта эгизак, 87 та эгиз туғилишларга биттадан уч эгизак туғилиши, 87 та уч эгизакли туғруқларнинг биридан кейин эса икки жуфт эгиз болаларнинг дунёга келишига нима дейсиз? Ҳайрон қоларли қонуният, шундай эмасми? Ёки ҳақиқатан ҳам Пифагор айтганидек, оламни рақамлар бошқарармикин?

**Дилфуза ЎРОЛ қизи.**

**(Давоми бор)**

*ТАБИАТ — ДОРИХОНА*

# ХАНДОН ПИСТА



Хандон пистанинг ер юзида 20 га яқин турлари ўсади. Бу мева ниҳоятда шифобахшдир. Қадимги Ўрта ер денгизида, Мексика, Хитой, Канар оролларида кенг тарқалган. Унинг асл ватани Сурия ҳисобланади. Эрон, Ҳиндистон, Италия, Туркия, Ироқ сингари мамлакатларда пистазор майдонлари мавжуд.

Марказий Осиёда хандон писта бута ёки дарахт бўлиб, ёнғоқли меваларга ўхшаб ўсади. Бўйи 5-10 метргача боради. Барги мураккаб, эллипссимон. Апрельда гуллайди, июль-августда меваси пишиб етилади. Меваси бир уруғли, узунлиги 1-2,5 см, эни 0,5-2см. Меваси ўзига хос хушбўй ва жуда тотимли мазага эга.

Мевасининг кимёвий таркибида киши саломатлиги учун зарур бўлган моддалар кўп. Жумладан, мой, оқсил, азотсиз экстрактив моддалар, микро ва макро маъданларни сақлайди.

Хандон писта мевасини хомлигича ва қовурилган ҳолида истеъмол қилинади.

Халқ табобатида меваси, барги, елими, шохчалари ишлатилади. Уруғи, уруғ дамламаси камқонлик (анемия)да, сил, ошқозон, жигар хасталикларида шифо бўлди. Сариқ хасталигида наф келтиради.

Толиққан беморларга дармонбахш омил сифатида буюрилади. Эркак ва аёлларнинг бепуштлигида эм бўлади.

Янги узиб олинган барглари майдаланган ҳолида йирингли яраларга, фурункулда қўйилса фойда қилади. Уни мағзи мия ва юрак фаолиятига самарали таъсир қилади, юрак ҳапқиришида эса таскин беради.

Кўнгил айнишида, қусишга қарши омил сифатида қўлланилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино пистанинг хосияти борасида шундай ёзган:

**«...Пистанинг иссиқлиги ёнғоқникига қараганда ҳам кучлироқ. Ўзидаги аччиқлик ва хушбўйлик билан жигардаги тиқилмаларни очади. Ични юмшатмайди ҳам, қотирмайди ҳам. Газандаларнинг чаққанига фойда қилади...»** Мевалари ичак хасталикларида, қорин оғришида, мижоз сустлигида малҳам бўлади.

Хандон пистани меъёрида истеъмол қилиш даркор. Акс ҳолда, таркибидаги оқсиллар аллергия қўзғатиши мумкин.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,** доришунос.

ҚИСМАТ

# КЎРНАМАКНИНГ КАСРИ



Лайлонинг уйқуси қочди. Бувисининг кўнгли бесаранжом. Каравотнинг ғижирлашидан билдики, набираси ҳали ҳам уйғоқ. Инқиллаб ёнига келди. Бошини силади.

Лайлонинг бўғзига тиқилган алам фарёд бўлиб отилди.

— Нега шундай бўлган? Нега онамни қайтармагансиз? Нега? Наҳот энди бир умр онамни деб шу тавқи лаънат остида ўтиб кетсам? Менинг айбим нима?..

Лайло кетма-кет саволлар билан бир бурдагина бўлиб қолган бувисининг кўксини тиғсиз қиймаларди.

— Эҳ, болам-а! Менга қолса, шундай бўлсин деганмидим? Отаси йўқ, кўнгли ярим, ўксимасин, деб ортиқча меҳр берибман-у...

Онаизорнинг бир нуқтага тикилган нурсиз кўзлари қисилди-ю, елкалари силкиниб, унсиз йиғлади. Хаёллари тўзғиди. Қизининг қалтис қадами, уни элу юртдан айирган қора кунлар бир-бир кўз олдидан ўтди.

...Ўшанда Гулхумор онасига қаттиқ тайинлади: «Келган совчиларга рад жавобини беринг!» Сабабини сўраганида «мен бой-бадавлат оилага келин бўлмоқчиман. Камбағаллик жонимга тегди. Сиз бўлсангиз мени ўзимиз сингари аранг кунини кўрадиган оилага узатмоқчисиз», дея пиқиллади.

Ойша хола «қизим, тенг-тенги билан дейдилар» деб қанча тушунтирмасин, қизига гап уқтириб бўлмади. Охири Ойша хола ҳам сўзида туриб олиб, тўйни бошлаб юборди.

Гулхумор йиғи-сиғи билан ўзи истамаган хонадонга келин бўлди.

Оминахон ая Гулхуморни айланиб-ўргилиб, болам-бўтам деди. Ботиржон атрофида гирдикапалак. Лекин Гулхуморнинг тунд қиёфаси очилай демасди. Аввалига уйдагилар «янги-да, кўникиши қийин», дейишди. Ҳатто келинчакдаги кўрслик, рўзғор юритишдаги уқувсизлик ҳам келинга бўлган муносабатга раҳна солмади.

Оминахон ая келинининг инсофга келишини сабр билан кутди. Унинг инжиқликларига чидади. Гулхумор эса борабора уларни менсимай гапирадиган одат чиқарди. У қайнонасига гап қайтаришдан тийилмас, уни ҳурмат қилмасди. Ботиржоннинг қаҳр-ғазаби келиб, уни тартибга чақирмоқчи бўлганди. Гулхумор онасининг қистови билан унга турмушга чиққанини писанда қилди. Сабр-косаси тўлган Ботиржоннинг қўллари мушт бўлиб тугилди. «Унда сизга жавоб, тўрт томонингиз қибла», — дея эшикка ишора қилди, ўзини зўрға босиб.

Гулхумор худди шу гапни кутиб тургандай апил-тапил кийинди-да, чиқиб кетди. Сўрида кўрпа қавиб ўтирган қайнонаси нима гаплигини билолмай, ҳай-ҳайлаганча қолди.

Қизининг шомда кириб келиши Ойша холага ёқмади. Гулхумор эса қовоқ уйганча ўзини ичкарига олди. Онаизор ортидан кирди.

— Ҳамма ишни сиз қилдингиз? Раъйимга қарамадингиз. Мана, ўзим суймаган одам билан яшолмай, қайтиб келдим.

— Ёш боланинг ишини қилма. Эсингни йиғ. Ҳали замон она бўласан. Енгил-елпи ўйлама, қизим.

— Бола ҳам керак эмас. Нима қилишни ўзим биламан.

Она бояқиш қизига насиҳат қилди, йўлга солмоқчи бўлди. Бироқ қизи инсофга келиш у ёқда турсин, онасини ҳам жеркиб берди.

Ойша хола дардини ичига ютди. Ўз ёғига ўзи қовурилди. «Зора фарзандли бўлса, инсофга келиб қолар», деб умид қилди. Инжиқлик, терслик билан ой-кунлар ўтди. Бироқ қизи туғилди ҳамки, Гулхуморда ўзгариш бўлмади. Чақалоққа меҳр қўймади. Ойша хола набираси билан андармон эди. Кунларнинг бирида эса Гулхумор уйдан чиқиб кетди. Ойша хола «бирор ерга бориб келар», деган хаёлга борди. Тонг саҳарда бешикнинг бош томонига қўйиб кетилган бир парча қоғоз унинг бағрини куйдирди.

*«Мени кечиринг. Ўзим истагандек яшамоқчиман. Ҳозирдан бола билан ўралашиб қолишни истамайман. Майли, уни ўзингиз тарбияланг. Мени қидирманг. Қизингиз.»*

Она бечора хатни ғижимлади. Нимадир деб ғудранди. Бироқ овози чиқмади. У бир четга «шилқ» этиб йиқилди. Ҳушига келганида бешикдаги чақалоқ биғиллаб йиғлаётган эди. «Илойим, боланинг уволи тутсин сени», дея аста пичирлади у.

Гулхумор шу кундан бошлаб қорасини кўрсатмади. Хола минг машаққат билан норасида набирасини оёққа турғазди. Лекин қизи ҳақидаги миш-мишлардан чарчади. Бир куни ниҳоят Гулхумор уйга кириб келди. Онаизор аввал қизини танимади. Сочи қирқилган, қизил рангга бўялганди. Яна пешонасидаги бир тутами эса сарғиш товланиб турарди. Эгнидаги кийими баданига чиппа ёпишган.

— Вой, шўрим, — деди хола қизининг юриш-туриши, афт-ангорига қараб.

— Ҳозир мода шунақа, — пинагини бузмади Гулхумор.

У атрофга аланглаб, Лайлони чақира бошлади. Дарахт панасида яшириниб турган қизалоқ югуриб бориб бувисининг пинжига суқилди.

— Ҳа, майли, — қўл силтади Гулхумор. — Айтгандай куёвингиз ҳам шу ерда, — деди-да машинада савлат тўкиб ўтирган олифтани онасига рўбарў қилди.

Хола рўмолининг учи билан юзини тўсди. Набирасининг қўлидан тутди.

— Менга ҳалиги бувимдан қолган билакузукни бермоқчи бўлиб юргандингиз. Ўшани олиб кетгани келувдим...

Ойша холанинг ранги оқарди. Юзи асабий уча бошлади.

— Сен ўзинг билан бирга менинг номусу оримни, боримни олиб кетгансан. Майли, шу ҳам қолмасин, — деди-да тахмондаги кўрпа-тўшакларни ағдариб, сандиқдан авайлаб-асраб келаётган билагузукни олди. Унга бир зум меҳр билан тикилди. Сўнг қаҳр-ғазаб билан Гулхуморга улоқтирди.

— Энди йўқол! Менинг сендай фарзандим йўқ. Қайтиб бу уйга қадам босма!

Хола беҳол ўтириб қолди. Лайло бувисини ачомлаб йиғлади.

— Гуля, бу нимаси? — деди ҳалиги олифта йигит тилга кириб.

— Қўяверинг, бизнинг мамашка шунақа...

Гулхумор «ноёб нусха»нинг билагидан тутди. Бир зумда қишлоқ кўчаларини чангитиб, қора «Нексия» елдек учиб кетди... Гулхумор шу билан уйига қайтмади. Орадан йиллар ўтиб, бўй етган қизини сўраб келаётган совчилар эса онаси ҳақида эшитиб, қайтиб бу остонага қадам босмай қўйди. Бегуноҳ Лайло онасининг касрига қолди....

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**

НИМА ДЕЙСИЗ?

# ЎҒИЛ ЎСТИРГАН АЗИЗУ...

Телефон жиринглаcа, овози қулоғимга ёқимсиз эшитилиб, юрагим санчади. Гўшакни кўтаришдан олдин "э Худо, қизим тинчгина ўтирган бўлсин-да", дейман.

Ҳа, бу дунёнинг ишлари қизиқ экан. Ота-она қизини турмушга берганидан кейин ҳам унинг ташвишидан қутулмайди. Умринг узоқ бўлгур Наргиза қизим ҳар икки куннинг бирида қўнғироқ қилади. Дарров мақсадга кўча қолмай, узоқ чайналади. Мендан, дадаси, укасидан ҳол-аҳвол сўраган киши бўлади. Онаман-да, кўнглим сезади. Унга бирон нарса керак. Наргизанинг бу ҳолатидан мен ҳам қийналиб кетаман. "Жон қизим, ишларинг қолиб кетиб, тағин қайнонангдан гап эшитиб юрмагин. Нима керак бўлса, айтақол" – дейман. "Ҳой, ойижон сезасиз-а", деб кулади ва: "У керак, бу керак", дейишга тушди. "Ҳой, энди сен чиғириқдан ташқаридаги қизсан. Аравангни ўзинг торт. Бошингда эринг, ёнингда қайнона-қайнотанг бор. Бирор нарсага зарурият туғилиб қолса, ўшаларга айт! Сочинг супурги, қўлинг косов бўлиб хизматларини қилаяпсан, олиб беришсин", дейишга қани тил? "Хўп, хўп уканг етказиб беради" деб хайрлашаман. Асқаржонимнинг оёғига қувват берсин, мана шу ўғлим икки уй ўртасида бўзчининг мокисидай опасиникига бориб келаверади. Баъзида унинг ҳам жонига тегиб кетса керак, ёзғириб қолади:

— Дадамнинг топганини, уйдаги борини поччамникига ташисак, опамни нега эрга берганмиз? Опам ҳам қизиқ, ҳадеб бизга осилавергани-осилаверган.

Ўғлимнинг гапида жон борлигини ичимда тасдиқласам-да, сиртимга сув юқтиргим келмайди.

— Сен ҳали ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми? Бизга опанг ҳам, сен ҳам бирдайсан. Опанг эрига, қайнонасига ботинолмаганини бизга айтади. Хўш, унга ёрдамимиз тегиб турса, бунинг нимаси ёмон? Бор экан, бераяпмиз. Наргиза аста-секин борган хонадонида илдиз отиб, палак ёзиб кетади. Ана ундан кейин биз ҳам тинчиймиз. Э, сенга бу гапларни айтиб нима қилдим, барибир тушунмайсан.

Ўғлим лом-лим демай, елкасини қисиб чиқиб кетади. Аслида ўзи ёмон бола эмас. Опасига меҳрибон, дадаси билан менинг сўзимизни икки қилмайди. Барибир унга ҳам поччасиникига ташмачилиги ёқмайди.

Ўйлаб қарасам, нафақат менга, бошқа қизи бор ота-оналарга ҳам осон эмас экан. Гўдаклигидан то улғайиб вояга етгунича не-не заҳматларни чекади. Сеп йиғишни-ку, қанча эрта бошлашса, ўзларига шунча яхши. Топганларини сандиққа ташлаб қўявериша, бир кун олдиларидан чиқади. Ўғил бола йиқилиб-суриниб одам бўлиб кетаверади, қиз бола эса алоҳида диққат-эътиборга, парваришга муҳтож. Кийиниши, юриш-туриши, одоб-ахлоқи... Оналар келин бўлганида уялиб қолмай деб, уларга рўзғор тутишни, пазандачилик, чеварликни ўргатишади. Қиз боланинг бўйига-бўй, чиройига чирой қўшилгани сайин ота-онанинг ташвиши ортаверади.

Одамлар ҳозир молу давлатингга қараб сенга баҳо беришадиган, уй-жойингга қараб қизингга совчиликка келадиган бўлиб кетишган. Демак, биринчи навбатда уйни эпақага келтириб қўйиш керак.

Тўй — орзулар ушаладиган кун! Қизининг бахтини кўриб, ҳар бир ота-онанинг чеккан заҳматлари унут бўлади. Қариндош-уруғлар, ёру дўстлар — ҳаммаси жамулжам. Ўйин-кулгу авжида. Шундай кунда қувонмай бўларканми? Икки ёш — келин-куёвга бахтдан тахт тилаб, дуога очилган қўллар, келиннинг кўз ёшлари-ю, кўз қорачиғидек фарзандини ўзга хонадонга кузатаётган ота-онанинг қалб кечинмаларини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Наргизани узатаётган кезларимиз бунақа ишларга кўзим пишмаган, тажрибам йўқ эди. Яхшиям, қиз чиқариб, ўғил уйлантирган овсинларим бор экан. Ўшалар йўл-йўриқ кўрсатиб, "уни бундай қил, буни ундай қил", деб туришди. Шу вақтгача не-не тўю маъракаларга бориб, битта қиз узатиш бу қадар қийин эканлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Тўйдан кейин қарасак, уй ҳувуллаб қолибди.

Орадан бир ой ўтмай қудам нағма бошлаб берди. Орқаворотдан "мебелларинг паст экан. Бошқа тузукроғига алмаштириб кетинглар", деб айтиб юборибди.

"Қиз чиқарганга қирқ йил тегма", деган мақол бор. Аммо биз нима ҳам қила олардик. Қизимиз келинлик уйида тинчгина яшаши учун хорижда ишлаб чиқарилган энг сифатли мебел харид қилдик. Урф-одатларимиз ҳам, байрамларимиз ҳам бор бўлсин-у, қуданинг уйига 30-40 тоғоралаб пишириқ, сарпо қўйиб жўнатишнинг ўзи бўлмас экан.

Кейин-кейин қизимнинг ўзи менга мурожаат қила бошлади:

— Ойи, қайнопам ўғлига тўй қилаяпти, нима олиб бораман?

— Ойи, қайнонамнинг туғилган кунига...

— Байрамда куёвингизни табриклашим керак...

Бу талабларнинг чек-чегараси кўринмайди. Энг алам қиладигани куёвнинг қавми-қариндошлари азиз, келинники панада қолиб кетаркан.

Барига тишимизни тишимизга қўйиб чидадик. Лекин охиргиси ҳаммасидан ошиб тушди. Қизим ҳомиладор эди. Касалхонада ётиб даволаниши керак экан. Қайнонаси уялмай-нетмай "ота-онанг даволатсин", дебди. Бу қандай бедодлик? Ишониб топшириб қўйган гулдек қизимиз уларга фақат соғлигида керак экан-да? Ҳеч бўлмаса туғилажак набиралари учун бироз жон койитишса, бирон жойлари камайиб қолармиди?

Майли, қизимизни даволатиш бизнинг бўйнимизда. Керак бўлса туғдириб, боласи билан бирга уйига олиб бориб берамиз. Чақалоқнинг расм-русумларини ҳам рисоладагидек ўтказамиз.

Анави сўлоқмон куёв, тили узун қайнона, номи қайнотаю ўзи сариқ чақага арзимайдиган эркак қудам томошабин бўлиб ўтиришаверсин! Чунки биз қиз ўстирганимиз учун айбдормиз-да!

**Дилором опанинг дардларини С. МАМИРОВ ёзиб олди.**

## «Наврўздан наврўзгача» ижодий беллашувига

# Лола ЎРОҚОВА

# КЎНГИЛ кўчаси



(Боши ўтган сонларда)

Айниқса, Сабоҳатга уйланмоқчи бўлган йигитнинг ота-онаси Рисолатнинг таърифини эшитиб, қанчалар қаршилик кўрсатди. «Онасини кўриб, қизини олиш керак. Онаси ундоқ бўлса, қизи қандоқ бўлади?» — деб ўғилларини айнитишга кўп уринишди. Аммо йигит сўзида маҳкам туриб олди. Тўғри, ҳозир уч фарзандлари бор, Сабоҳатдан яхши келин йўқ. Аммо бу кунга етиб келгунга қадар қиз шўрлик қанчалар изтироб чекмади, дейсиз.

Тенгдошлари орасида онаси ўлганлари, отаси билан ажрашганлар, отаси ташлаб кетганлари ҳам бор эди. Аммо уларга ўхшагани — онаси ташлаб кетгани йўқ. Бу жудолик ниҳоятда шармандали. Уларнинг изтироби уят аралаш изтиробдир. Дарди ҳаммага айтиб, кўнгил ёзадиган дард эмас. Бу дард юракка канадай ёпишиб, тишлаб, қонини сўриб яшарди.

* * *

...Ўттиз тўрт йилдирки, Рисолат ўзининг тафтишчи билан учрашган кунини лаънатлаб яшайди. Уни болаларидан жудо қилган ўша кун хаёлидан ўчмайди. «Қаердан ҳам хўжалик идорасига бордиму, уни кўрдим. Қаердан ҳам дугонам китоб сўради-ю, унга йўликдим», — деб ўз-ўзини сўроққа тутади. Фарзанди учун жон фидо қилганлар қанча! У эса қуюшқондан чиққан муҳаббатини қурбон қилолмади-я! Эрини ёмон кўрса ҳам болалари учун яшашга ярамади-я!..

...Ўша одам билан шундоққина хўжалик идорасига кираверишда тўқнаш келганди. Кўрди-ю, юраги «жиз» этиб кетгандай бўлди. Узун бўйли, хушбичим, истараси иссиқ бу кишининг қишлоққа бегоналиги сезилиб турарди.

Рисолат қандай қилиб юқорига кўтарилгани, дугонасининг хонасига кирганини ҳам билмайди. Хаёли жойида эмасди. Ич-ичидан эса «коройи эринг шундай бўлса!» — деган фикр ўтарди.

Мавжуда китобларни кўриб, қувониб кетди. Рисолатга миннатдорчилик билдира бошлади. Рисолатнинг эса қулоғига гап кирмас, икки хаёли ҳалиги кишида эди. У ҳақда дугонасидан нима деб сўрашни билмасди.

Кутилмаганда бегона одам зинадан чиқиб келди. Аёллар ўтирган хонага бир назар ташлади-ю, ўтиб кетди.

— Мавжуда, бу одам ким? Янгидан ишга олдиларингми? — қулай пайтдан фойдаланиб савол билан Рисолат.

— Йўқ, марказдан келган тафтишчи. Бир ҳафтадан бери шу ерда. Ҳамма ёқнинг титпитини чиқариб ташлади.

Рисолат кутубхонага қайтди ҳамки, кўз ўнгидан ҳалиги одамнинг юз-кўзлари кетмасди. «Эркак киши ҳам шунчалик кўзга яқин бўларканми? — хаёлидан ўтказарди у. — Ҳар қандай аёлни мафтун қилади-я».

Рисолат базўр икки кунни ўтказди. Ҳали дугонаси асарларни ўқиб бўлмаганини билса-да, китоблар баҳона идорага йўл олди. Мавжуданинг ёнига кириб, у ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирган бўлса-да, икки кўзи йўлакда эди. Бир оздан сўнг ён томондаги эшиклардан бирининг очилгани эшитилди ва тафтишчининг гавдаси кўринди. У аёллар ўтирган хонага кириб саломлашгандай бўлди ва Мавжудадан ул-бул қоғозларни сўраркан, Рисолатга синчковлик билан назар солди.

— Дугонам Рисолат, — деди Мавжуда уларни таништираркан. — Кутубхонада ишлайди.

Тафтишчи бўш курсилардан бирига бамайлихотир ўтириб олди ва китоблардан сўз очди. Бадиий адабиётларни, айниқса, чет эл адабиётини севиб ўқишини айтиб, француз адибларининг асарларини сўради. Рисолат керак бўлса олиб келиб беражагини айтганди, у «овора бўлиб юрманг, ўзим кутубхонангизга бораман», — деди.

Эртаси куни тафтишчи кутубхонага кириб келганида Рисолатнинг ҳаяжондан юраги гуп-гуп ура бошлади. Юрагининг типирчилаши ўзига ҳам эшитилгандай бўлди. Ҳаяжонини тафтишчи пайқамаслиги учун қўлидаги китобни зўр бериб у томон, бу томонга вараклар, қоғознинг шитирлаши билан юрагининг шовқинини яширмоқчи бўларди.

Шу тариқа тафтишчи Рисолатнинг фаол китобхонига айланди. У хўжаликдаги ишини тугатгунга қадар кунда шунда бўлди. Муносабатлари қуюқлаша бошлади. Бир гал шаҳарга айлантириб ҳам келди. Кутубхона одамларнинг бири келиб, бири кетадиган бекат ёнида жойлашгани сабабли тафтишчи серқатнов бўлиб қолгани кўпчиликнинг эътиборини тортмади.

Рисолат бутун дунёни унутган эди. Жондай азиз фарзандларига ҳам бефарқ бўлиб қолди. Бутун фикри-хаёли тафтишчида эди. У билан бирга бўлганида ўзини самоларда учиб юргандай ҳис қиларди. Кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Бола-чақа, рўзғор, одамларнинг гап сўзлари — бари-бари маъносиздай туюларди. У тафтишчи сиймосида ўзи орзу қилган эркакни топиб олган эди.

Аслини олганда тафтишчи ёмон одам эмасди. Хотини ҳаётдан кўз юмиб, уч боласи етим қолгач, уларга оналик қиладиган бир аёлни излаб юрганди. Иттифоқо, рўпарасидан Рисолат чиқди. Уни кўриб, у билан суҳбатлашиб қаттиқ боғланиб қолди.

Рисолатнинг жозибали табассуми, гўзал чеҳраси тафтишчини мафтун этганди. Суриштириб унинг эри, тўрт нафар фарзанди борлигини билса-да, ундан воз кечолмади. Айниқса, унинг ҳам эрига кўнгли йўқлиги, ўзи томон тобора интилиб келаётгани тафтишчига далда бўлди. Таваккалига иш тутиб, бир кечада олиб қочиб кетди...

Ўша кунлар Рисолат учун осмон билан ер баробар эди. Ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч нарсани фикрламасди. Ўзи севган, ўзи интилган кишиси билан яшашнинг лаззатини татиб кўрганди. Илгари муҳаббат кўчасига кирмаган аёл тафтишчини бутун вужуди билан севиб қолганди. Аммо аёл кишининг боз устига тўрт фарзанди бор онанинг муҳаббатдан олган лаззати қаерга ҳам борарди? Рисолат ҳам ўзига келди, ўзлигига қайтди. Тафтишчига бўлган муносабати ўзгармаган бўлса-да, қалбининг қаърида кўмилиб қолган оналик туйғулари қалқиб чиқди, болаларини қўмсаб, уларга интила бошлади. Аммо кеч эди энди, борар эшиклар очилмас бўлиб ёпилган эди.

Ноилож Рисолат тафтишчининг уч боласига меҳрини берди. Уларни оқ ювиб, оқ таради. Аммо унга ўзининг болалари бўла туриб, бировнинг боласига оналик қилаётгани алам қиларди. Кулиб туриб йиғлар, йиғлаб туриб «дод» солгиси келарди...

* * *

Ўртадаги сукунатни онасининг хаста овози бўлиб юборди:

— Яқинроқ кел, болам. Дийдорингга тўйиб олай...

Баҳодир кроватни айланиб, онасининг яқинига келиб ўтирди.

Онаси бўлса тинмай пичирларди:

«Қара-я, болам. Бу қандай кўргиликки, она ўз болалари билан бегоналашиб кетса?! Бу қандай кўргиликки, она жон бераяптию, фарзандлар атрофида парвона бўлмаса? Она болалари билан видолашолмаса, фарзандлар «Онамлаб» йиғламаса, йиғлолмас, кўзидан ёш оқизолмас?! Ўғиллар тобутни кўтариб, онасини лаҳадга жойламаса?! Бу кўргилик эмас, бу жазо! Парвадигорнинг онангга берган жазоси! Бу фоний дунёнинг жазоси! Ҳали охирини билмадим...»

Аёл бир зум жим қолди. Сўнг яна давом этди:

«Ҳаммаси ўзимдан ўтди. Ҳаммасига ўзим сабабчиман. Қилган ишимдан қанчалар пушаймон бўлганимни, қанчалар сизлар томонга талпинганимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Биламан, қалбларингда менга нисбатан нафрат ва қаҳрдан бошқа нарса йўқ. Аслида шунга лойиқман. Аммо сизларни жуда-жуда яхши кўрганим, сизларга интилганим рост, болагинам! Уят ва андиша, виждон ва ор йўл қўймади ортга қайтишимга. Қайси юз билан бораман, дедим. «Ҳайдаб юборишади», — дедим. Қўрқдим.

Ўгайлардан нолисам кўзим чиқади. Аммо улар менга Баҳодир бўлолмади, Бахтиёр бўлолмади, Сабоҳату, Малоҳат бўлолмади. Узоқда бўлсам-да, сизларнинг хаёлингиз билан яшадим. Сизларга қизиқдим, сизларни кузатдим. Бахтиёрнинг шифокор, Сабоҳатнинг ҳамшира, Малоҳатнинг муаллима, сенинг эса муҳандис бўлганингни эшитиб, қанчалар қувонганимни билсанг эди. Ҳам қувонаман, ҳам уяламан. Шундай бевафо онанинг болалари шундай камолга етса-я. Аслида, сизлар ота фарзандлари бўлдинглар. Шу инсонга минг қуллуқ....»

Аёл бир оз нафасини ростлагач, яна сўзлай кетди:

«Мен суратга сиғинибман. Ўзимнинг суратимга маҳлиё бўлиб, отангнинг суратидан нуқул нуқсон қидирибман. Сийратга бир бор бўлмасин, қайрилиб ҳам қарамабман. Бироқ сийрат асли қаримас экан. Менинг ғижимланган суратимни эса кўриб турибсан...

Кўнгил дегани инсонга душман бўларкан. Менга кўнглим панд берди, болам. Кўнгилнинг «гапи»га кириб, ақлимни йўқотдим. Ақлимни топганимда, кўнгил кўчасида адашиб кетгандим. Бу алдов мен учун жуда қимматга тушди. Кечирилмас гуноҳ қилдим. Отангнинг олдида юзим шувитлигича дунёдан кетяпман...»

Шу ерга келганда Баҳодир чидаб туролмади:

— Отам сизни кечирганлар. Мендан айтиб юборди. Сиз ҳам у кишидан рози бўларкансиз...:

Аёл жимиб қолди, киприкларини пирпиратди. Юрагидан отилиб чиқаётган фарёд кўз ёшга айланиб, юзларидан оқа бошлади. Аслида унинг кечинмаларини ана шу кўз ёшлар ифода этаётганди. Бундан ортиқ ифода этиш, фарёд чекиш учун аёлда на куч, на қувват бор эди.

— Отанг бағри кенг инсон, — деди у бироз тин олгандан сўнг. — Мен у кишига қанчалик озор етказганимни Парвардигори эгам билади. Шунга қарамай, кечирибдиларми, Оллоҳга минг бора шукур. Аммо мен осий бандасини, ўз гуноҳини ўзи кечиролмаган гумроҳ аёлни Яратган Эгам кечирармикан?...

Баҳодир бошқа ҳеч нарса демади. Аммо онасининг ҳузурига келиб тўғри иш қилганини англади. Инсон кези келганда беш бегона одамларга ҳам мурувват кўрсатади. Бу аёл адашган бўлса ҳам онаси, ахир!

— Болам, энди менга опанг, аканг, синглинг ҳақида гапириб бер!

Баҳодир бир бошидан сўзлади. Яқинларининг оиласи, фарзандлари ҳақида тўхталди. Гап орасида катта аммасининг қазо қилгани, кичкина аммасининг аҳён-аҳёнда келиб туришини айтди. Холалари билан тоғалари ҳам улардан хабардорлигини айтиб берди.

Рисолатнинг хўрлиги келди. Укалари ва сингилларини узоқ йиллар кўрмади. Улар опаларининг қилмишидан ор қилиб, ундан воз кечишганди.

Рисолат томирлари бўртиб чиққан қўллари билан Баҳодирнинг қўлларини излади. Баҳодир ҳам беихтиёр қўлларини унинг қўлларига тутди. Аёл Баҳодирнинг икки кафтини икки юзига олиб борди ва маҳкам босди. Кўзларини чирт юмиб олди...

(Тамом)




## БУ ЕРДА ЧЕКИЛМАЙДИ



Жуда кўп замонларда турли шоҳлар, давлат раҳбарлари чекишга қарши чиққанлар. Ана шулардан бири Англия қироли Якобдир. У 1604 йилдаёқ Америкадан келтирилаётган сигареталар инсон ақл-идрокини сусайтириб, чекиш ўпка ва мия учун ўта зарарлилигини таъкидлаб, ҳатто оғиздан нохуш ҳид келишини айтиб саройда чекишни ман этган. Орадан ўн тўрт йил ўтиб эса сэр Уолтер Рэйли қирол саройида сигарета чекишни оммалаштирди.

Ана шунақа, кимдир қарши чиқади, у ўрнидан кетиши билан бошқаси у таъқиқлаган нарсаларга эркинлик беради.

## ВАҚТ МУҲИММИ ЁКИ ГЎЗАЛЛИК?!

Дунё мамлакатларининг кўпчилик эркаклари деярли ҳар куни ўзларининг танноз аёлларига бир хил саволни беришади: “Яна сени қанча кутишим керак?”



Олимларнинг фикрича, ҳар бир аёл пардоз-андозга бир кунда ўртача ҳисобда бир ярим соату беш сония вақт ажратишар экан. Демак, бундай аёлнинг турмуш ўртоғи тахминан 76 йил умр кўрса, шу умрнинг уч йили хотинининг пардозланишини кутиш билан ўтиб кетар экан. Шунингдек, олимлар пардоз турига қараб, қанча вақт сарфлаш мумкинлигини ҳам ҳисоблаб чиқишган. Масалан, сочни лаклашга 17 сония, тирноқларни бўяшга 2 дақиқа-ю 28 сония, уни қуритишга уч, кийинишга тўрт дақиқа кетади. Сўнг бошқа кийимимни кийсаммикан, дея бир сония ўйлаб кўради ва бошқа либосини кийишга 12 дақиқаю 12 сония сарфлайди. Ҳа, аёллар керак бўлса гўзалликни вақтдан устун қўядилар.



Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

ЛУҚМА

# АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

Эрталаб ишга кетаётиб, бекатда илгари бир маҳаллада турган танишимни учратиб қолдим. Автобус келгунча бироз гурунглашдик. У икки кун аввал, хизмат сафари билан бир ҳафта Германияда бўлиб қайтганини айтиб қолди. "Таассуротлар қандай бўлди?" дея сўрадим. Суҳбатдошим ҳам шу саволни кутиб турган эканми, гапхонаси очилиб кетди. Оғзининг таноби қочиб, беш дақиқача олмон мўъжизаларию, немисларнинг ўта маданиятли халқ эканлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди.



Бу орада биз чиқишимиз керак бўлган немисларнинг яп-янги "Мерседес" русумли автобуси келиб қолди. Бекатдагиларнинг деярли барчаси ўзларини очиқ эшикларга уришди. Ана, томоша! Бу пайтда ёши катталарни ўтказиб юбориш ёки бўлмаса уларга жой бериш у ёқда турсин, қандай қилиб бўлса-да, ўрин эгаллаш ёшлар учун энг катта «қаҳрамон»лик саналади. Бундай пайтда чиптачига ҳам осон бўлмаскан, ҳали у эшикка югуради, ҳали бу эшикка, овози бў?илиб бақиради. Зинадан осилиб турганларнинг белидан итариб, эшикни ёпишга уринади. "Ҳой, инсофларинг борми, ичкарироққа кирсанглар-чи", деб йўловчиларга танбеҳ беради (Аслида эса, азбаройи салон тирбандлигидан йўловчилар нақ бир-бирларининг елкасига чиқиб кетадиган ҳолда бўлади).

Қараб турибмиз, ҳатто бемор ва болали аёллар учун мўлжалланган ўриндиқларни ҳам банд этиб олган ёш-ёш йигит-қизлар кўзларини юмиб олганча, ўзларини мудраётганга ўхшаб кўрсатишаяпти. Қулоқларида "МР плеер" наушниклари... Ниҳоят, автобус жойидан қўзғалди. Бир эшиги ёпилиб, иккинчисининг зинасида йўловчи осилиб, бир томонга қийшайиб кетаётган уловнинг ортидан қараб турган танишим бош чайқаганча:

— Европада бунақамас, — деб гапира-гапира ҳозиргина супуриб-сидирилган бекатнинг ўзида чиқинди ташлайдиган қути турган бўлса-да, чекиб турган сигаретини бир четга ирғитиб юборди...

**МУХЛИС**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## КУЁВЛАРИМГА ОҒИРИМ ТУШМАСИН

«Раҳимжон билан 28 йил яшаб, бирон марта «сиз» сўзимиз «сен»га бормади. Тинч-тотув яшардик. Тўртала қизимиз туғилганда ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлганди. «Ўғил кўрмадик», дея ранжишни ҳам билмайсиз», деб ҳазиллашсам, «шукр қилиб яшашни биладиган одамман», дерди. Шундай феъли кенг, диёнатли инсон эди. Минг афсуски, у тўсатдан вафот этди. Ҳатто бизга айтар сўзини ҳам айтолмай кетди. Қизларим оталари орзу қилгандай яхши жойларга келин бўлди. Катта ҳовли-жойимиз бор эди. Қизларим ўзларидан тингач, қайнонам «бу ҳовлида сизнинг ҳаққингиз қолмади, энди кўч-кўронингизни ортиб, бирон куёвингизникидан бошпана топинг», дедилар. Қайнонамни норози қилмай, қарғишини олмай деб бош олиб чиқиб кетдим. Куёвларимга эса юкимни ташлагим келмайди. Асли наманганликман. **Ёшим 55 да.** Ўзидан тинган, инсофли инсон учраса, тақдиримни боғлаш ниятидаман.

**Хадича».**

## БЕШ ҚЎЛ БАРОБАР ЭМАС

«Бобом раҳматли «ташқаридан ёмон келмасин, ўзимдан ёмон чиқмасин», дея дуо қилардилар. У пайтлар бола эдим, бу сўзларнинг мағзини чақолмасдим. Ҳозир эса... Зубайда келин бўлиб тушгандан сўнг ҳафта ўтар-ўтмай ўзгарди-қолди. У орзу қилганидай, истаган нарсасини муҳайё қиладиган эркак эмас эканман-да, топармон-тутармон акамнинг хотини — овсинига ҳасад қилиб, менга азоб бера бошлади. Оддий ишчилигимни юзимга соларди. Бошқа жойга кўчиб чиқдик. Фарзандлар туғилди. Барибир ўзгармади. Охири ажрашдик. Мана шунга ҳам 12 йил бўлди. Тошкентликман. **Ёшим 49 да.** Тижоратчиман. Камтарин, меҳрибон аёл овоз берса, уни бахтли қилардим.

**Ислом».**

## КЎНГЛИ ЙЎҚ ЭКАН

«Онамнинг узоқ қариндошининг ўғлига турмушга чиққандим. Дастлаб рисоладагидай тинч-тотув яшай бошладик. Ўғлимиз туғилди. Бахтимни топдим деганимда бошим тошга тегди. Турмуш ўртоғимнинг юриш-туришида ўзгариш сеза бошладим. Йўқ жойдан баҳона топиб, кечаси уйга келмайдиган одат чиқарди. Суриштириб билдим. Онаси унга яхши кўрган қизини олиб бермагач, улар яширинча шаръий никоҳ ўқитиб ўша аёл билан яшаётган экан. Ҳамма сир очилгач, йиғладим-сиқтадим. На илож, кўнгли бўлмаган эркак билан яшолмаслигимни тушуниб, ажрашдим. Тошкентда яшайман. **Ёшим 40 да.** Қадримга етадиган диёнатли эркак бўлса, мустаҳкам оила қурмоқчиман.

**Мамлакат».**

## ҚИЗИМ ОНАСИНИ ТОПДИ

«Соҳиба иккимиз курсдош эдик. Бир-биримизга кўнгил қўйдим. Охирги босқичда ўқиётганимизда тўйимиз бўлди. У меҳрибонлиги, уддабуронлиги билан ота-онамнинг эътиборини қозонди. Айниқса, онам келинини мақтагандан мақтарди. Институтда тенгдошларимиз ҳавас билан боқиб «узукка кўз қўйгандайсизлар», дейишарди. Биринчи фарзандимизни не-не умидлар билан кутаётганди. Афсуски, қизимизни бағрига босиб, оналик бахтидан масрур бўлолмади. Ёдгорамни дунёга келтириб, ўзи дунёдан ўтди. Юрагим сиқилиб, икки йилгача қўлим ишга бормай юрдим. Бир куни дўстим қўярда-қўймай, таҳририятга бошлаб келди. Бефарзандлиги туфайли оиласидан ажрашган аёлнинг телефон рақамини беришди. Танишдик. Ота-онамга у маъқул келгач, турмуш қурдик. Қизим онасини топди. Севимли газетамдан бир умр миннатдорман.

**Ғулом».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

Ўқишга қабул ҳар куни

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**
■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти − 15:00
Босишга топширилди − 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент − 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat. uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** − 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г − 732. Формати А−3, ҳажми 4 табоқ. Адади − 9284
Навбатчи — **Дилфуза ҚЎЗИЕВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

ISSN 2010−7609

2 3 4 5